Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 24 ноябрь, чоршанба • № 92 (11.175) • Эркин нархда сотилади

1999 йил 5 декабрь — *Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни*

2000 йил 9 январь — *Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

НОМЗОДЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Вилоятимиздаги барча сайлов округлари ва участкаларидаги номзодлар билан учрашувлар сайловчилар фаоллигида ўтмоқда. Бу эса биринчидан аҳолининг ижтимоий-сиёсий дунёқараши, ҳуқуқий саводхонлиги кейинги йилларда кескин ошганлигини кўрсатмоқда.

Қолаверса, Олий Мажлис томонидан сайловлар тўғрисида қабул қилинган қонунларга мувофиқ ҳар бир округдаги битта мандатга бир неча номзод даъвогар сифатида рўйхатга олинганлиги ва сайловолди учрашувлари ҳам бутунлай янгича — демократик руҳда ўтаётганлиги сайловчиларнинг фаоллигини янада кучайтириб юборди.

СУРАТЛАРДА: сайловчилар номзодларнинг таржимаи ҳоли ва ижтимоий фаолияти билан танишмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗ ижтимоий сиёсий ҳаётидаги улкан воқеа — Олий Мажлисга, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар куни тобора яқинлашмоқда. Жойларда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

● БЕКОБОД шаҳрининг «Металлурглар» маданият саройида «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши томонидан кўрсатилган номзодлар сайловчилар билан учрашдилар. Мазкур номзодларнинг ишончли вакиллари уларнинг таржимаи ҳоли, фаолияти, дастурлари ҳақида сўзлаб беришди. Учрашувда сўзга чиққан сайловчилар бу йилги парламент сайловларига тайёргарлик кўппартиявийлик, демократик тамойиллар асосида ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаб, 5 декабрь — сайловлар кунида барча фуқароларни фаол иштирок этишга чақирдилар.

● 157-КИМЁГАР сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси депутатлигига рўйхатга олинган 5 номзод билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият уйида ўтган ушбу тадбирда мазкур округдан кўрсатилган номзодларнинг ишончли вакиллари уларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти, ташкилотчилик ва ташаббускорлик салоҳияти ҳақида сўзлаб бердилар номзодларнинг сайловолди дастурлари тингланди. Сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш учун 158-Машинасозлар сайлов округидан рўйхатга олинган номзодларнинг ҳам сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Чирчиқ шаҳридаги 26-ўрта мактабда тўпланган 200 дан ортиқ сайловчи иштирокида ўтган мазкур тадбирда Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши, «Ватан тараққиёти» партияси, «Адолат» социал демократик партияси, Халқ демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси томонидан кўрсатилган номзодлар ўз сайловолди дастурлари ҳақида сўзлаб бердилар.

● ПАРКЕНТ туманининг «Бошқизилсой» қишлоқ фуқаролар йиғини Шампан қишлоқ маданият уйи ҳамда «Заркент» жамоа хўжалиги маданият уйида 160-Паркент сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар сайловчилар билан учрашдилар. Номзодлар ўз сайловолди дастурлари ва режаларини баён этдилар. Ишончли вакиллар уларнинг меҳнат фаолияти ҳақида сўзладилар. Депутатликка номзодлар сайловчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 161-Юқоричирчиқ сайлов округидан рўйхатга олинган номзодларнинг «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги маданият уйида ва тумандаги 22-мактабда бўлиб ўтган учрашувларида номзодлар ўз дастурларини баён этиб, сайловчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар. 750 сайловчи иштирок этган биринчи тадбир, айниқса, қизғин ўтди.

● 162-ЯНГИЙЎЛ сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодликка рўйхатга олинган 7 номзоднинг Янгийўл шаҳридаги «Гишт-Инвест» масъулияти чекланган жамияти клубида ҳамда шаҳар маданият саройида сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ҳар бир номзод тадбир қатнашчиларини ўз дастури билан таништирди. Ишончли вакиллар уларнинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлаб бердилар.

● ЗАНГИОТА тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги мажлислар залида ҳамда «Назарбек» қишлоқ фуқаролар йиғини маҳалла гузарида Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 165-Зангиота сайлов округидан рўйхатга олинган 5 номзоднинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Номзодларнинг ишончли вакиллари уларнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти, сайловолди дастурлари ҳақида гапириб бердилар.

● 167-САЛОР сайлов округидан Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларида Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши, «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси томонидан кўрсатилган номзодлар ўз сайловолди дастурлари ҳақида сўзлаб бердилар. Қибрай тумани Ёнариқ қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган ушбу тадбирда 300 дан зиёд сайловчи иштирок этди.

● ОҚҚЎРҒОН туманидаги Олимкент пахта тозалаш заводи маданият уйида бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида ҳар гал 500 га яқин сайловчи тўпланмоқда. Унда 170-Оққўрғон сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлари кўрсатилган тўрт номзод ўз сайловолди дастурлари, режаларини баён этиб, сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

● 172-НАВБАҲОР сайлов округидан Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодларнинг Янгийўл туман «Тинчлик» жамоа хўжалигида бўлиб ўтган учрашувида иштирок этган 5 номзод сайловчиларга ўз дастурлари ҳақида гапириб бердилар.

● ВИЛОЯТДА халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар билан учрашувлар ҳам қизғин давом этмоқда.

● ТУЗЕЛ фуқаролар йиғини биносида ҳамда Дўрмон маданият уйида Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 30-Янгиобод сайлов округидан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

● ШУНИНГДЕК, Қибрай кўрғони маданият уйида ҳам халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 31-Байтқўрғон сайлов округидан кўрсатилган 4 номзод сайловчилар билан мулоқотда бўлдилар.

ДАВР БОШҚА, ТАФАККУР БОШҚА

АНГРЕНДА ҳам бўлажак депутатлар билан сайловчилар учрашувлари ҳар куни уюштирилмоқда. Мулоқотлар Сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги илгаригига нисбатан кескин ошганлигини, фикр-мулоҳазалари амалий ва мантиқан чуқур бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳа, даврмиз бошқача бўлгани учун фикрлаш ҳам бошқача. Бу мамлакатимизнинг мустақилликка эришгани, унда демократик тамойиллар тобора кенг қулоч ёзаётганлиги, ҳамма — кексаю ёш ўз дилидагини бемалол баён этиш ҳуқуқига эга бўлганликлари самарасидир.

Куни кеча республика Олий Мажлиси депутатлигига сайлов ўтказувчи 150-Бинокор округи сайловчиларининг депутатликка номзодлар билан бўлиб ўтган учрашувлари ҳам бунинг ёрқин далили бўлди. Унда номзодларнинг дастурларини тингладик. Уларни муҳокама қилиш қизғин тус олди, иштирокчилар ўз фикрларини эмин-эркин баён этдилар.

Мен ёш бўлганим учун бу дастурларда ёшлар тарбиясига оид масалалар ҳақидаги мулоҳазаларга алоҳида эътибор бердим. Зотан айрим депутатликка номзодлар дастурларидаги ёш авлодни тарбиялашга оид режалар талаб даражасида эмас эди. Ангренни асосан ёшлар қурган, ҳозир ҳам улар катта куч ҳисобланади. Умуман, мамлакатимиз, жумладан, шаҳримизнинг порлоқ келажаги ҳам шу ёшларнинг куч-ғуйратига, уларда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари қанчалик камол топганлигига боғлиқ эканлиги ҳақида гапирдим. Шунинг учун ҳам номзодларимиз депутат бўлганларидан кейин бу масалага катта эътибор беришлари кераклигини алоҳида уқтирдим.

Равшан ТЎРАЕВ,
Ангрен кўмир кони биринчи участкаси ишчиси.

ЯНГИЧА МУШОҲАДА БИЛАН

Балоғат ёшига етиб, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлганимдан буён жуда кўплаб номзодларнинг сайловолди учрашувларида иштирок этганман. Шу боис аввалги сайловлардан буён ўтган беш йил ичида мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларида юз бераётган янгиланишлар туфайли халқимизнинг ижтимоий-сиёсий онги нақадар юксалгани бу йилги сайловолди учрашувларида яққол намоён бўлаётгани менда келажакка катта умид уйғотмоқда.

Ваҳоланки, илгариги бундай учрашувларда сайловчилар ўзлари истиқомат қиладиган жойларидаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида гапириб, бўлажак депутатларга наказлар беришарди. Номзодлар эса, ўз навбатида катта-катта ваъдалар бериб, сайловчиларнинг ишончларини қозонишга ҳаракат қилишарди.

Бу галги учрашувларда эса, аксарият номзодларнинг ҳам, сайловчиларнинг ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини яхши англаб олганликлари яққол сезилиб турипти. Жумладан, номзодлар ўзларининг ҳаракат дастурларини баён этиш жараёнида асосий эътиборни иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига қаратиб, уларни ҳал этишнинг ўзлари энг мақбул, деб билган тамойиллари хусусида шахсий фикр-мулоҳазаларини сайловчиларга тушунарли тарзда шарҳлаб бермоқдалар. Сайловчилар ҳам ўз номзодларига илгаригидек наказ беришдан воз кечиб, шу пайтгача Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳаётда тўлиқ амал қилишини таъминлашга оид мавзуларда саволлар билан мурожаат қилмоқдалар. Жумладан, 16-Самолётсозлар округидан Олий Мажлис депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар билан бўлган сайловолди учрашуви ана шундай руҳда ўтди. Бу ерда асосан мамлакатда демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этишда депутатларнинг роли ҳамда ҳар бир сайловчининг ана шу муҳим вазифани ҳал этишда онгли ва фаол иштирок этиши зарурлиги ҳақида фикр юритилди.

Сайловолди учрашувларининг шундай руҳда ўтишининг энг муҳим томони шундаки. биз сайловчилар ҳар бир номзоднинг ўз депутатлик бурчи ва вазифасини, ҳақ-ҳуқуқини қай даражада тушунишини англаб оламиз ва 5 декабрь куни айнан қайси номзодга овоз берсак янглишмаслигимиз ҳақида муҳим қарорга келамиз ва танлаган номзодимизга ҳеч иккиланмай, комил ишонч билан овоз берамиз.

Насриддин БОТИРОВ.

ҲОЗИР — ТАНЛОВ, КЕЙИН — САЙЛОВ

АЙНИ КУНЛАРДА вилоятлар минтақалари, шаҳар ва туманлар марказлари, қишлоқлар, қўрғонлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, хўжаликлар, фуқаролар йиғинлари ёҳуд бирон-бир маҳаллага қадам ранжида қилган киши ҳаётнинг ўзгача ўзанда оқаётганининг гувоҳи бўлади. Чунки, мамлакатимиз катта сиёсий ва ижтимоий жараён оғушида яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, республикамиз катта сайловлар арафасида турипти. Ҳамма ерда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларига тайёргарлик қизғин давом этмоқда.

Жиддий синов арафасида

Сайлов округлари ва участкаларида ҳозирлик кўриш, депутатликка номзодлар билан учрашувлар, сайловолди ташвиқот тадбирлари, турли-туман доиралардаги мубоҳасалар, мулоқот кезларидаги савол-жавоблар фаоллашуви овоз бериш муддатларининг жуда яқин қолганлигидан дарак бермоқда. Ойнаи жаҳон кўрсатувлари, радио эшиттиришлари, катта-кичик рўзномаларда ҳам шу гап... Синчков сайловчилар эса юз кўришган бир неча номзодлар ичидан ўзига маъқул бўлган шахсни танламоққа ва ўша киши учун овоз беражаклигини юрагига тугиб қўймоқда. Ҳа, бўлажак депутатлар ҳам, халқимиз ҳам навбатдаги сиёсий довон пиллапоясида турипти.

— 1995 йилнинг 23 феврали боягидек эсимда, — дейди Олий Мажлис депутати, Паркент туман ҳокими Туроп Холтоев. — Ўшанда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси очилган эди. Бу кун мамлакатимиз тарихида ўзига хос тантанали воқеа бўлган эди. Мазкур олий анжуманда Президентимиз Ислом Каримов республика ҳукумати, БМТнинг Ўзбекистондаги вакили, хорижий давлатларнинг элчихоналари раҳбарлари ва ваколатхоналарининг вакиллари иштирокида, янги сайланган депутатлар ҳузурида Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида маъруза қилиб, шундай деган эдилар: «Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлис илк марта кўп партиявийлик асосида сайланди». Юртбошимизнинг бу сўзлари — халқимиз томонидан ўзгача ҳиссҳаяжон, фахр ва ғурур билан қутиб олинган эди.

Худди шундай. Ўшанда Ватанимиз, миллатимиз, халқимиз, фуқароларимиз, давлатимиз солномасида шу тарихий янги давр бошланган эди. Бу йўлни истиқлол учун, мустақил Ўзбекистон учун, кенг қамровли туб ислоҳотлар ўтказиш учун овоз берган, уни қўллаб-қувватлаган халқнинг ўзи танлаб олди. Халқ якдиллиги ва ҳамфикрлиги ғалаба қилган эди. Халқ ўзи сайлаган янги депутатларга юксак ишонч билдирди.

Хўш, ўшандан буён ўтган даврмобайнида ана шу ишончлар оқландими? Депутатлар олдига қўйилган режа ва вазифалар ўз ижобатини топдими? Бу саволларга ҳозир бемалол «Ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Эришилган ютуқларнинг айримларини тилга олайлик. Масалан, она-заминимизда эркин, очиқ, демократик давлат қурилди. Ўзбекистон Конституцияси, байроғи, мадҳиясини бутун жаҳон таниди. Демократик жараёнларнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари қарор топди. Инсоннинг ўз ҳоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган идораларнинг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар тилга олишга арзигулик далиллардир. Иқтисодиёт, ижтимоий, маданий жабҳалардаги ютуқларимиз ҳам салмоқли бўлди. Ўзбек миллатининг бетакрор, илғор, иқтидорли қадриятлари жаҳон ҳамжамияти ҳазинасининг бир бўлагига айланди. Энг муҳими, халқимизнинг маънавий руҳи қайта қад ростлади.

— Эндиликда сайланадиган депутатларимизнинг вазифалари эришилган ижобий ютуқларни янада кўпайтиришдан иборатдир, — дейди Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжалиги пудратчиси Ҳурматой Бойматова, — Айни кунларда сайлов округлари ва участкаларидаги суҳбатлар ана шу мавзу атрофида бўлмоқда. Уларда, энг аввало, Ватан ва миллат манфаатлари устувор бўлажаклиги кўзда тутилмоқда.

— Бизнинг туманимизда ҳам, — деб ёзади Охун Абдуллаев, — ечимини кутиб ётган муаммолар анчагина бор. Хусусан, Чорвоқ минтақасига табиий газ келтириш масаласи неча йиллардан буён ҳал этилмаётир. Бўстонлиқ экологиясини ҳимоя қилиш борасида бўлажак депутатлар дадил бўлишлари керак. 24-Чорвоқ округидан номзод бўлаётган шахслар депутат этиб сайлансалар, вилоят Кенгаши анжуманларида юқоридаги масалаларни индалло кўтариб чиқишлари ва уларнинг ижобий хал этилишига эришишлари мумкин, деб ўйлайман.

Сайловчиларнинг юқоридаги фикр ва мулоҳазаларидан қандай хулоса қилмоқ лозим? Энг аввало, айни кунларда ўз номзодларини депутатликка қўйган шахслар депутат ким ўзи, унинг моҳияти нималардан иборат, деган тушунчалар мазмунини обдон чақиб олишлари керак. Депутатни азалдан «Халқ ноиби», «Халқ вакили» деб аташ таомилга айланган. Башарти шундай экан, бундай шахслар ҳар доим халқ билан бирга бўлиши, унинг орзу-умидлари, хоҳиш-истаклари билан бирга яшаши лозим. Давлат, миллат, халқ эҳтиёжлари энг муқаддас вазифалар эканлигини улар томонидан аниқ ва равшан тасаввур этилиши ва виждоний азму қарорга келиши ўта муҳимдир.

— Сайловолди тадбирлари силлиқ кетаётгани йўқ. Бу табиий, — дейди Қибрай тумани Қўшқўрғон қишлоғида яшовчи сайловчи Бахтиёр Акбаров, — «пойгада» топқир, чопқир, доно, закий, сермулоҳаза, босиқ ўзига ишонган номзод ютиб чиқади. Бироқ, ўз дастурларини қоғоздан бош кўтармай амаллаб ўқиб бераётган, ўз режаларини тутила-тутила «қоришиқ тил»да баён этаётган, баъзан эса бепарда, андишасиз, ношойим сўзларни айтиб юбораётган шахслардан нима ҳам кутиш мумкин?! Улар сайловчиларда фақат истеҳзо уйғотмоқдалар. Бундай пайтларда ишончли вакиллар номзодларга қонунда белгиланган талабларга риоя этилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини эслатиб қўйсалар, чакки бўлмас эди. Демоқчиманки, мунозара, мубоҳаса, тортишув чоғларида номзодлар маданиятли бўлсин, қуюшқондан чиқиб кетмасин, ҳурмат аъзоларини унутмасин. Шунинг учун ҳам сайлов комиссияларининг йиғилишларида номзодлар фаолиятида учраётган айрим нуқсонлар дарҳол муҳокама этилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

... Олий Мажлис, вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлигига ўтказиладиган сайловларга саноқли кунлар қолаётган экан, депутат муҳим қонунлар, қарорлар, ҳужжатлар қабул қилинишида чуқур фикр юритиш қобилиятига эга, билимдон, ҳар томонлама саводли, салоҳиятли, маърифатли, қонунларни яхши биладиган, обрў-эътиборли шахс бўлиши кераклигини ёдда тутайлик. Шунинг учун ҳам сайловолди ташвиқотларини қонун асосида, адолатли тарзда, маърифий усулда ташкил этиш, номзодлар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш биринчи ғалдаги вазифалар сирасига киради. Бинобарин, шундай экан, депутатликка номзодлар учун яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланмоқ керак. Сайлов компаниясини уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказиш ана шундай иш тутишимизни тақозо этади.

Раҳимберди УМАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ХУШХАБАР

ҚИБРАЙ тумани деҳқонлари режадаги 35 минг тонна ўрнига 35,5минг тонна сабзавот маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериб, йиллик шартнома шартларини ортиғи билан бажардилар. Туман меҳнаткашларининг бу ютуғига «Бура ота», «Маданият», Туроб Нормуҳамедов номли, «Байтқўрғон», «Дўрмон» жамоа хўжаликлари сабзавоткорлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар.

Тумандаги барча хўжалик далаларида кечки экинлар ҳосилини йиғиб-теріб олиш ишлари уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

Ўз мухбиримиздан.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқа бўлимларида бошқа нашрлар қаторида «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади.

Нашр кўрсаткичларини эслатиб ўтамиз:
якка обуначилар учун — 205,
ташкилотлар учун — 206.

ВАТАНИГА СОДИҚ, ХАЛҚИГА ФИДОЙИ НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

УСТУВОР ЙЎНАЛИШ – ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ

Уммат МИРЗАҚУЛОВ,
Тошкент вилояти ҳокими

Вилоятимиз аҳолиси бўлажак сайловларни меҳнатда катта ютуқлар, кўтаринки кайфият билан кутиб олмоқдалар. Сайловлар йили бизлар учун том маънода юксалиш, ўсиш ва улғайиш йили бўлди.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларимиз қувонарлидир. Пиллакорларимиз, соҳибкор боғбонларимиз, сабзаводчиларимиз, ғаллакорларимиз ўз олдиларига қўйган вазифаларни ортиғи билан адо этдилар. Пахтакорларимиз 36 иш кунида давлат шартнома режасини бажардилар. Ҳозиргача 283 минг тоннадан ортиқ қимматли саноат хом ашёси йиғиб олинди. Фақатгина пахтачиликнинг ўзидан 10 миллиард сўмдан зиёд даромад олинди. Ушбу маблағнинг асосий қисми қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш, ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳаларини ривожлантиришга сарфланади. Аҳолининг кам таъминланган қатламлари, кўп болали оилалар, қариялар ва ногиронлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади.

Айни кунларда вилоят ҳудудидаги Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 24 сайлов округидан депутатлик учун 110 нафар номзод кураш олиб боряпти. Шундан 24 нафари ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган. Айни вақтда халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 54та сайлов округлари фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд сиёсий партияларнинг вилоят Кенгашлари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари, ҳокимлик вакиллик органлари ўзларининг энг муносиб вакилларини вилоят Кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. 195 нафар номзод рўйхатга олинди.

Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 590 сайлов округига жаъми ваколатли органлардан 1437 номзод кўрсатилди. Кўриниб турибдики, шаҳар ва туман Кенгашларининг ҳар бир депутатлик мандати учун ҳам қизғин кураш бўлиб ўтади.

Кўлами жиҳатидан ниҳоятда кенг, айни пайтда мураккаб бўлган сайлов жараёнларининг қонун талаблари асосида адолатли ўтишини таъминлаш учун турли даражадаги комиссияларда жаъми 12 мингдан ортиқ аъзолар ишламоқда. Уларнинг пухта, холис ва бетараф фаолият кўрсатишларига ишончимиз комил.

Номзодларимиз олдида Тошкент вилоятининг иқтисодий салоҳиятини янада ошириб боришдек муҳим ва масъулиятли вазифа турибди.

Хусусан, саноат ишлаб чиқаришида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилади.

Қишлоққа саноатни олиб кириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳам асосий вазифаларимиздан биридир. Бу борада ҳам махсус дастур ишлаб чиқилган. Бугунги кунда тадбиркорлик ўзилмалари 10 мингдан ортиқ бўлса, келгуси беш йилликда уларнинг сони 30,4 мингтага етказилади.

Бу вазифаларни амалга ошириш ҳисобига, вилоятда саноат ишлаб чиқаришини 2005 йилга бориб, бугунги кунга нисбатан 30-35 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги асосий йўналишларимиз Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ва дастурларида аниқ белгилаб берилган. Соҳада мулк шаклларини ўзгартириш, деҳқонга имкони борича енгиллик бериш ва айниқса, янги техника ва технологияга таяниб иш кўриш йўлидан бораверамиз. Пахтачиликда янаги йили терим техникаларини икки ҳиссага кўпайтириш ниятимиз бор.

Бу йил пахтачиликда 34 минг 792 нафар, ғаллачиликда эса, 14 минг 606 нафар оилавий пудратчилар самарали меҳнат қилдилар. Пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштиришда уларнинг улуши салмоқли бўлмоқда.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш бизнинг муҳим вазифаларимиздан бири бўлади. 2010 йилга бориб, вилоятда газ билан таъминланиш даражаси 95,3 фоизга етказилади.

Тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 86,6 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, вилоят қишлоқларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурига мувофиқ катта ишларни амалга оширишга бел боғлаганмиз. Хусусан, 1999-2005 йилларда 69та қишлоқ врачлик пунктлари, 24 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 миллион кв.м. уй-жойлар, 23 минг кв.м. савдо шаҳобчалари, 6400 ўринли умумий овқатланиш корхоналари, 648та маиший хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилади.

— Келгусида кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда бутун куч ва имкониятларимизни ишга соламиз. Турли йўналишлар бўйича 1999-2005 йилларда 146та касб-ҳунар коллежи, 9та академик лицей қурилиб, ишга туширилади.

Бундан ташқари, вилоятда аҳолининг кам таъминланган қатламларини, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва биродарлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш масалалари бизнинг асосий ва устивор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Биз турли тоифадаги Кенгашларга, Олий Мажлисга номзод кўрсатаётганимизда, уларнинг ишчанлик, ташаббускорлик, изланувчанлик қобилиятларига алоҳида эътибор бердик. Президентимиз таъкидлаган беш инсоний фазилат асосий мезон қилиб олинди. Булар ҳалоллик ва поклик, маънавий етуклик, теран билимлилик ва қобилиятлилик, эл-юрт манфаатларини устивор билиш, фидойилик демакдир.

Номзодларимиз эл-юрт орасида ҳурмат- эътибор қозонган, сўз ва иш бирлигини амалда кўрсата олган одамлардир. Улар қуруқ ваъдалар бермайдилар, сайлансалар ҳам, сайланмасалар ҳам, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга камарбастадирлар.

Олий Мажлис ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округларида сайловолди учрашувлари қизғин давом этмоқда.
Суратда: шундай учрашувлардан бирида.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ЯНГИ ТИЗИМ ЯРАТИЛДИ

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 164-Бўка сайлов округи комиссияси туман маданият саройида жойлашган. Бу ерда ишлар маромида бораётганлигини бинога кирган киши дарҳол сезади. Олий Мажлис, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайловлар, Президент сайлови кунларини кўрсатувчи рангли плакатлар, зарур қўлланмалар, сайлов ҳақидаги қонунлар мажмуалари, ҳуқуқий адабиётлар тартиб билан ёғоч токчаларга териб қўйилган. Сайловчи ўзини қизиқтирган саволларга бу ерда тўлиқ жавоб олади.

Сайлов комиссияси раиси Жўра Дўсматовнинг хонасида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Кирувчиларнинг кети узилмайди. Раис ҳам ҳар бир кишига батафсил тушунтиради.

— Жўра ака, бу йилги сайловга тайёргарлик қандай кетяпти?

— Жуда қизғин боряпти. Бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўлиб турибсиз. Аввалги сайловларда одамларимиз бундай фаоллик кўрсатишмаган эди. Бу, аввало, мамлакатимизда мутлақо янги, жуда пухта сайлов тизими яратилаётганидан, у тобора мукаммаллашиб бораётганидан далолатдир. Айниқса, сайлов тўғрисидаги қонунларнинг демократиклигини таъкидлагим келади.

— Номзодларнинг сайловолди учрашувлари давом этаётган бўлса керак?

— Ҳа. Шу кунгача олтита учрашув бўлиб ўтди.

— Улар қандай савияда ўтмоқда?

— Энг қувонарлиси кишиларимизнинг мамлакатимиз ҳаётидаги бу муҳим компанияга бефарқ эмаслиги деб ўйлайман. Учрашувларда Олий Мажлис депутатлигига турли ташкилотлардан ўз номзодини қўйган беш вакил иштирок этяпти.

— Сайловчиларнинг саволлари қандай?

— Ҳар хил. Лекин ўз саволларига асосли жавоб ололмаганлар очиқдан-очиқ норозилик изҳор қилишмоқда. Масалан, Бўкага 25 километрлик темир йўл келиши керак. Шу саволни берган кишига бир номзодимиз; «Бу менинг дастуримда бор», деб жавоб берди. Яна бир сайловчи: «Пахта ўзимизда етиштирилади. Нега пахта ёғининг нархи ошиб кетяпти?» деб сўради. Бу саволга ҳам ўша номзод: Бу ҳам менинг дастуримда бор, мен ёғ заводи қуриб бераман», қабилида жавоб берди. Лекин қандай қилиб қуриб беради? Унга йил бўйи қандай қилиб хомашё топади? Темир йўл қанчага тушишини биласизми? Бугун сайловчиларни бундай лофлар билан алдаб бўлмайди. Ҳар бир одам ўз манфаатини, қонуний ҳимоя қилинишини истайди. Ҳар бир номзоддан мана шунга етарли имконият қидиради. Демак, фидойи бўлмаган номзод сайловчиларнинг ишончини қозониши жуда қийин.

— Вилоят, туман, шаҳар кенгашларига ҳам учрашувлар бўлаётгандир?

— Ҳаммаси қонун-қоида асосида олиб бориляпти. Номзодлар ўзларининг сайловолди ҳаракат дастурларини айтишларининг ўзидаёқ у амалга ошадими, номзоднинг дастури ҳаётимизга наф берадими-йўқми, кишиларимиз англаб етади.

— Сайлов участкалари шай қилиб қўйилганми?

— 47 та сайлов участкамизнинг ҳаммаси муҳим тадбир учун тайёрлаб бўлинди. Номзодларга, ишончли вакилларга гувоҳномалар ўз вақтида берилган. Сайлов бюллетенлари, қутилар, хос хоналар ҳам тахт қилиняпти. Кузатувчиларга махсус гувоҳнома ҳам тайёрладик.

— Сайлов комиссиясида нечта одам бор?

— 9 нафар. Айтиш мумкин, ҳаммаси етарли билим ва тажрибага эга.

— Фавқулодда, кутилмаган ҳолатлар содир бўлмаяптими?

— Ҳамма юмушнинг бир меъёрда бўлишига катта эътибор бераяпмиз. Айрим партия вакиллари ўз партиясини улуғлаб, ҳаммаёққа плакатлар, шиорлар ёпиштириб ташлаяпти. Бу эндиги одоб доирасига ҳам сиғмайди, сайлов қоидаларига ҳам. Жузъий бўлса ҳам учраб турган бу ҳолатлар кайфиятни бузади, холос.

Темир ТИЛЛАЕВ ёзиб олди.

ҲАЛИ ЁШИМ ЕТГАНИ ЙЎҚ

Гавҳар ҚЎЧҚОРОВА,
Тошкентдаги 24-мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

— Тобора яқинлашиб келаётган сайловлар куни сайловчи сифатида овоз берадиган юртдошларимга ҳавасим келади. Зеро, улар кўрсатилган номзодлар ичидан мустақил мамлакатимизнинг яқин беш йил ичидаги тараққиёти қандай кечишини ҳал этувчи одамларни танлаб, уларни ёқлаб овоз бериш ва шу тариқа эртанги кунимиз қандай бўлишига салмоқли ҳисса қўшиш имкониятига эгалар.

Афсуски, бундай ҳуқуқ ҳозирча менда йўқ. Сабаби — ҳали ёшман. Эндигина ўн еттига тўлдим. Шунга қарамай, бўлажак сайловларда менинг манфаатларим ҳам ҳал этилаётганини чуқур ҳис қиламан. Чунки, ҳозир сайланаётган бу депутатларга овоз берган ва бермаган барча одамлар тақдири бир хилда боғлиқда! Шу боис, сайлаш ҳуқуқига эга барча юртдошларимга мурожаат қилгим келади:

— Фурсатни ғанимат билиб, барча сайловолди учрашувларида фаол иштирок этинг. Номзодларни ҳар томонлама пухта ўрганинг. Сайловларда фақат элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган номзодларгина кўпроқ овоз олишига ўз ҳиссангизни қўшинг. Сайлов куни фақат ўзингиз учун эмас, биз каби фарзандларингиз, ука ва сингилларингиз учун ҳам овоз бераётганингизни ёдда тутинг! Токи, депутатликка муносибларгина сайлансинлар.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ИМКОНИЯТЛАР БОР

Газетангиздан сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган айрим ўзгартишлар ҳақида анчагина маълумотлар олдик. Ҳақиқатан ҳам қонунларнинг кўпгина бандлари такомиллаштирилибди. Шу муносабат билан овоз бериш тартибида ҳам ўзгаришлар бўлдими, деб сўрамоқчи эдик. Бўлса, улар ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

Аброр АЪЗАМОВ,
Тошкент шаҳри.

Бу борада деярли ўзгаришлар йўқ. Илгаригидек сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Бундай пайтда ёнингизда ҳеч ким бўлмаслиги керак. Мабодо бюллетенни сайловчининг ўзи тўлдира олмаса, у ҳолда фуқаронинг ўз хоҳишига кўра сайлов комиссияси аъзоларидан ёки кузатувчилардан, ё бўлмаса, номзодларнинг ишончли вакилларидан бири кабинага таклиф қилиниб бу иш амалга оширилади. Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилияларини ўчиради. Тўлдирилган бюллетенни шундан сўнггина сайлов кутисига ташлаши мумкин.

Кўпинча бузиб қўйилган сайлов бюллетени қандай алмаштирилади?, деб ҳам сўрашади. Ҳа, албатта, бунинг иложи бор. Бундай бюллетень ҳисобга олинади, уни бекор қилиш ёки алоҳида сақлаш чоралари кўрилади.

Гоҳо сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятларига эга бўлмаган сайловчилар ҳам учраб туради. У ҳолда нима қилиш керак? Бундай сайловчи ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиб, бир қарорга келгач, тўлдирилган варақани конвертга солиб уни ёпиқ ҳолда участка сайлов комиссиясида қолдириши мумкин.

Омонилла МУҲАМАДЖОНОВ,
Тошкент Давлат Юридик институти доценти.

ЎҚИНГ, ТАҲЛИЛ ҚИЛИНГ

Таҳририятга телефон орқали мурожаатлар газетамизнинг ўтган сонида жадвал шаклида берилган маълумотларимиз муштарийларга маъқул тушганидан далолат бермоқда. Шунингдек, газетхонлар Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ёш жиҳатдан табаққаланиши ҳамда улар орасидаги аёллар сони билан ҳам қизиқмоқдалар. Бу қизиқишни инобатга олиб, айнан шу маълумотларни шаҳар ва туманлар миқёсида кўрсатиб берувчи махсус жадвални эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг ўртача ёшлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

Шаҳар ва туманлар номи	30 ёшгача	45 ёшгача	60 ёшгача	60 ёшдан юқори	Умумий сони	Аёллар сони
Ангрен ш.	1	8	5	4	18	3
Бекобод ш.	1	1	4	-	6	1
Олмалиқ ш.	-	4	7	1	12	3
Оҳангарон ш.	-	1	1	-	2	-
Чирчиқ ш.	-	7	8	-	15	5
Янгийўл ш.	-	1	3	1	5	-
Бекобод т.	-	3	4	-	7	4
Бўка т.	-	3	6	-	9	2
Бўстонлиқ т.	-	4	5	-	9	3
Зангиота т.	-	9	5	-	14	3
Қибрай т.	1	3	8	1	13	6
Қуйичирчиқ т.	-	4	3	-	6	1
Оққўрғон т.	-	4	5	-	9	-
Оҳангарон т.	-	3	3	2	8	1
Паркент т.	-	2	3	-	5	-
Пскент т.	-	3	3	-	6	-
Тошкент т.	2	1	7	-	10	-
Ўртачирчиқ т.	-	-	9	1	10	3
Чиноз т.	-	5	4	-	9	2
Юқоричирчиқ т.	-	4	3	-	7	3
Янгийўл т.	-	8	5	2	15	5
Жами:	**5**	**78**	**101**	**12**	**195**	**45**

САЙЛОВ ОКРУГИГА, УЧРАШУВГА

ШАҲАРДАГИ мухташам бинолардан бири ҳисобланган «Нурчи» маданият саройи шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлмоқда. 150-Бинокор сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан учрашишга бағишланган йиғилишларга фуқаролар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келмоқдалар.

Яқинда навбатдаги учрашув бўлди. Зал ичи катта, ўриндиқлар кўп бўлишига қарамай, у ҳаммани сиғдира олмади. Унда Ангреннинг ўнлаб корхоналари, ташкилотлари, муассасалари, маҳаллалари вакиллари қатнашдилар.

Мазкур сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлари кўрсатилган Ангрен шаҳар ҳокими Илҳом Асадов, шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири Блухан Матаева, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси раиси Абдували Раҳматуллаев, Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси Қурбонали Тожибоев, «Ангренкўмиртехтранс» корхонаси директори Нормуҳаммад Усмоновлар ўз сайловчилари билан учрашиш учун ташриф буюрдилар.

Ишончли вакиллар депутатликка номзодларни сайловчиларга таништирар эканлар, уларнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти, Ангрен шаҳрини ижтимоий-иқтисодий рифожлантиришга қўшган ҳиссалари, ҳалқнинг юксак ишончини оқлаш учун астойдил интилаётганликлари ҳақида гапирдилар. Барчани сайлов куни сиёсий фаоллик кўрсатиб, истаган номзодларига якдиллик билан овоз беришга даъват этдилар. Номзодларнинг ўзлари ҳам учрашувда сўзга чиқиб, ўз дастурларини баён қилдилар. Сайловчилар вакиллари эса ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида тўхталдилар. Қатор таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Уларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар берилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Ангрен ҳақиқати» газетаси ходими.

АХБОРОТ ОЛИШДИ, ТАЖРИБА ЎРГАНИШДИ

Олий Мажлис ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар тобора яқинлашиб келаётган ҳозирги вақтда сайлов округлари ва участкаларида аҳвол қандай, уларда сайлов билан боғлиқ тадбирлар қандай олиб борилмоқда? Умуман, сайлов комиссиялари муҳим сиёсий тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишга тайёрми?

Пойтахт вилояти сайлов комиссиялари Матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун мунтазам равишда уюштириб келинаётган давра суҳбатлари, анжуманларда сайлов жараёни билан боғлиқ ана шундай саволларга батафсил жавоб олиш мумкин. Зеро, «Вилоятматлуботсавдо» уюшмаси биносида жойлашган мазкур марказ самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратиб берилган. Иккита махсус хона, компьютер тизими, телефон, сайловга доир адабиётлар, газета тахламлари — ҳамма-ҳаммаси бор. Мулоқотлар учун ажратилган мажлислар зали эса алоҳида жиҳозланган.

Рости, бу галги матбуот анжуманига унчалик кўп одам таклиф этилмади. Марказ раҳбари, «Тошкент ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари У.Абдушоҳидов уни очар экан, вилоятдаги бугунги сайлов жараёнининг, ўзига хос хусусиятларига қисқача тўхталди. Айни пайтда вилоят Кенгашига белгиланган 54 депутат ўрни учун 195 номзод даъвогарлик қилаётгани, шаҳар ва қишлоқларда ташкил этилган 827 сайлов участкасида сайловларга пухта тайёргарлик кўрилаётгани таъкидланди. Шундан сўнг Янгийўл шаҳри, Қибрай, Зангиота ва бошқа туманлардаги округ ва участка сайлов комиссиялари вакиллари ўзлари амалга ошираётган ишлар ҳақида журналистларга сўзлаб берди.

— Шаҳримизда сайловолди ташвиқот ишлари қизғин бормоқда, — деди, жумладан, Янгийўл шаҳар сайлов комиссияси раиси С.Умарбоев. — Сайловчиларимиз илгаригига нисбатан анча фаол. Мен авваллари ҳам сайловларда иштирок этганман. Аммо одамларнинг сайлов жараёнларига ҳозиргидек қизиқиш билдиргани биринчи кўришим.

Фуқароларнинг сайлов жараёнида фаол иштирок этаётганини шаҳардаги 20-сайлов участкаси сайлов комиссияси котибаси Гулнора Мирвалиева ҳам ўз сўзида алоҳида таъкидлади. — Сайлов участкасига одамлар депутатликка номзодлар, уларнинг дастурлари билан танишиш истагида тез-тез ташриф буюраётир. Уларнинг қизиқувчанлиги баъзан комиссия аъзоларини шошириб ҳам қўймоқда. Бундан ташқари, ҳозирданоқ ўндан ортиқ фуқаро сайлов куни шаҳарда бўлолмаслиги ҳақида хабардор қилди. Уларга бундай ҳолларда овоз беришда қандай иштирок этиш мумкинлиги хусусида тавсиялар берилди.

Қибрай туманидаги вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 28-»Ўнқўрғон» сайлов округи сайлов комиссияси раиси, кекса педагог Эргаш Ҳайитбоевнинг суҳбати ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Биз сайлов округи ҳудудида истиқомат қилаётган 21 мингдан ортиқ сайловчини рўйхатга олдик. Уларнинг 880 нафари сайловда илк бор қатнашади, деди у, жумладан. Ҳозир сайловчилар рўйхатлари танишиб чиқиш учун сайлов участкалари ахборот тахталаларига бирин-кетин осиб қўйилмоқда. Сайлов қутилари, овоз бериш хоналари ҳам деярли тахт қилинган.

Зангиота ва Тошкент туманида ишлаётган сайлов комиссиялари вакиллари ахбороти ҳам сайлов жараёни фаол бораётгани, депутатликка номзодларни тарғиб қилишда адолат ва демократик талабларга қатъий риоя этилаётгани хусусида бўлди. Мулоқот чоғида Янгийўл шаҳридаги сайлов комиссиялари аъзолари қонунларни пухта ўзлаштиргани, ўзларининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси анча юқори эканлигини намойиш этди. Қибрай, Зангиота туманидаги ҳамкасблари эса баъзи бир саволларга жавоб беришда қийналишди.

Вилоятда сайловчиларнинг рўйхатини тузиш жараёнида айрим муаммолар бор. Жумладан, Қибрай туманига қарашли «Салор» қўрғонида рўйхатда турувчи фуқароларнинг аксарияти бошқа жойларда истиқомат қилади. Бу эса уларни рўйхатга киритиш ва сайлов кунидан хабар беришда қийинчилик туғдирмоқда. Айрим сайлов участкалари ҳалигача етарли жиҳозланмаган. Сайлов қутилари ва сайлов хоналарини жиҳозлаш учун материал етишмаётгани ҳам очиқ айтилди.

Анжуманда депутатликка номзодларни тарғиб қилишда қонун талабларига қатъий риоя қилинаётгани, хусусан, айрим номзодлар томонидан сайловчиларни ўзига оғдириб олиш учун имтиёзли нархларда маҳсулот сотиш ёки хизмат кўрсатиш каби салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйилмаслиги ҳақида ҳам бод-бод уқтириб ўтилди. Бу яхши, албатта. Аммо, сайлов куни одамлар овоз беришда фаол иштирок этишга чорлаш, уларга кўтаринки кайфият бағишлашга қаратилган қизиқарли тадбирлар нақотки ташкил этилмаса?

Журналистларнинг бу саволига атрофлича жавоб қайтарилди. Шуни ҳам айтиш керакки, сайлов комиссиялари мазкур масалага ҳам жиддий эътибор бермоқда. Масалан, Янгийўл шаҳрида сайлов куни эрта тонгданоқ барча сайлов участкаларида миллий урф-одатларимизга мувофиқ карнай-сурнай садолари жаранглайди. Турли қизиқарли оммавий тадбирлар уюштириш чоралари ҳам кўриб қўйилган. Шу куни кўчма савдо дўконлари, ошхоналар ишлаб туради.

Бир ярим соатча давом этган анжуман ниҳоясида иштирокчилар анча қониқиш билан ўрнидан қўзғалди. Чунки навбатдаги мазкур давра суҳбати ҳам дўстона ва самимий, энг муҳими — кўпчиликка фойда берадиган тарзда ўтди. Унда нафақат журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди, балки Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари вакиллари ҳам ўз фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини англаш, ижобий тажрибани ўрганиш имконига эга бўлди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Газетхон илҳомлари

САЙЛАНУР

Ватанга дилбанд, ҳақгўй, билимдонлар
сайланур,
Юрт ишқида ёнган ишбилармонлар сайланур.
Ҳақиқатни ҳамиша кўзлаганларда омад,
Аҳдда турган вафоли, бут иймонлар сайланур.
Халқ соғлиғи-бойлиги кафолати — вакиллар,
Эл дардига дармон ҳозиқ-лукмонлар сайланур.
Илм равнақ топса, обод бўлур ўлкам ҳар ёғи,
Меҳнатдан бахтин топган мард-майдонлар
сайланур.
Қуриб ҳуқуқий давлат, асосидир адолат,
Элим деган энг доно сиёсатдонлар сайланур.
Шукрким ҳурлик, тинчдир хонадонлар, эй,
Жўрашер,
Заминга посбон бўлган чин ўғлонлар сайланур.

Убайдулла МАҲҚАМОВ.

МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН ДЕПУТАТ

Ростгўй бўлса, бўлса меҳрибон,
Дўст бўлса у, жондек қадрдон.
Кибр-ҳаво бўлса кўп йироқ,
Диёнатни айласа чироқ,
Меҳр ила топса дилга йўл,
Мардлик ила урса ишга қўл.
Муаммолар ҳал бўлур осон,
Шодмонликка тўларди осмон.
Юрт ичида қолмас муаммо,
Ҳар мушкулга топулур даво.
Мулойимлик бўлса шиори,
Жўшса қалбда виждони, ори.
Ва доим бўлса ҳар ишда содиқ,
Фарзанд бўлар Ватанга лойиқ.
Фахрланиб сайловлар куни,
Жон-дилим билан сайлагум уни!

Норҳол ТУРСУНОВА.

Жанубий Корея сармоядорлари билан ҳамкорликда Қибрай туманида барпо этилган «Бовко К° ЛТД» қўшма корхонасида сабзавот маҳсулотларини солишга мўлжалланган қоплар тайёрланмоқда. Корхона жамоаси барча буюртмаларни вақтида бажариб, мижозларнинг ишончини қозонянти. Шу туфайли уларнинг сафи муттасил кенгайиб боряпти.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхонанинг илғор ишчиларидан Гулчеҳра Бейсенова ва уста Нурали Қиличбоевлар иш устида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Миллий дастур

ЯНГИЛИК БИЛАН УЧРАШУВ

ҲАР БИР адолатпарвар жамият ва ҳар бир меҳрибон ота-она қобил фарзандлар тарбиялашдек юксак орзулар билан яшайди. Келажак ҳам аслида, ана шу улуғвор мақсадни рўёбга чиқариш билан обод бўлажақдир.

Бугун Ватанимизнинг алоҳида қобилиятга эга бўлган иқтидорли ёшларига юртбошимиз ташаббуси билан «Умид» жамғармаси ҳомийлигида жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртларида билим олишларига ҳар томонлама имкониятлар яратилган. Жумладан, 1997 йилда 157 нафар ёшлар хорижда ўқиб қайтган бўлса, 1998 йилда бу сон 300 нафарга, 1999 йилда эса 600 нафарга етди.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз таъкидлаганларидек, эндиликда республикамизда янги йўналишдаги таълим муассасалари пайдо бўлди. Булар истиқлол ғояси билан қуролланган янги дарслик, янги дастур, янги жиҳозлар билан таъминланган олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлардир. Ёшларга эътибор бу — келажакка, истиқбол ва тараққиётга эътибордир. Шу боисдан ҳам таълим соҳасида ислоҳотлар ўтказиш зарур бўлиб қолди. Қолаверса, собиқ тузум яратган дарслик ва дастурлар эскирди. Ана шу тарзда янги йўналишдаги таълим муассасалари фаолият бошлади. Мамлакатимизда биринчи ташкил этилган бундай ўқув маскани Қибрай туманидаги 1-касб-ҳунар лицейидир. Бу билим даргоҳи 1995 йилдан ишга тушди. Хулоса чиқариш учун ўтган муддат етарлидир. Лицей жамоаси ўз тажрибалари ва амалиёти билан республикамиздаги қўплаб лицейларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Ҳозир лицейда 620 га яқин талабалар таҳсил олмоқда. Улар давримизнинг энг керакли мутахассисликлари — фермер-чорвадор, фермер-ўсимликшунос, фермер-асаларичи ва компьютер билан ишлайдиган ҳисобчилар бўлиб етишадилар. Талабалар 20га яқин тажрибали ўқитувчилардан ва 30 нафардан ортиқ ишлаб чиқариш усталаридан сабоқ оладилар.

Талабалар учун лицейда барча қулайликлар яратилган. Унинг 250 ўқувчига мўлжалланган шинам ётоқхонаси, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфхоналари, трактор парки, тиббиёт хоналари, стадион ва спорт майдонлари, ҳарбий шаҳарчаси, ўз автодроми бор. Айни чоғда 16 гектар майдонга эга бўлган ўқув хўжалигида кичик фирма, қушхона ва колбаса ишлаб чиқариш лабораториялари ишлаб турибди. Шунингдек, дурадгорлик ва чилангарлик, машиналарни таъмирлаш устахоналари, иссиқхона, маънавият ва маърифат, ўқувмаслаҳат марказлари, кўргазма музейи бор. Республикамиздаги қалдирғоч бу ўқув марказидан ҳоҳлаган пайтда лицей ва коллежлар ҳақидаги энг сўнгги маълумотни олишингиз мумкин.

Ақл инсоннинг бир қаноти бўлса, ҳунар унинг иккинчи қанотидир. Ҳозирги даврда инсон битта ҳунар билан ўз эҳтиёжини тўла қондира олмайди. Давр ундан ҳилма-ҳил малакаларни эгаллашни талаб қилмоқда. Шу боис бу ерда йилдан-йилга касбларни мукаммаллаштиришга эътибор ошяпти. Мисол учун, фермер-чорвадор куллиётини битказиб чиққанлар қўшимча яна 5та мутахассисликни эгаллайдилар.

Эртанги кунларга'ишонч билан яшаш яхши. Орзуга айб йўқ. Лицей 2001 йилда янги йўналишдаги касб-ҳунар коллежига айланиши керак. Ҳозир керакли барча стандартлардан ўтиб бўлинди. Айни чоғда лицейдаги Ваҳоб Исамухамедов, Фотима Тожибоева, Мастура Шофайзиева, Абдуқаюм Шокиров, Кимё Абдуллаева, Розия Шарифова, Албина Гладкова, Дўлус Ўтеганов, Ҳикматулла Исоқов, Ҳоким Ўлжаев, Зикрилла Анваров, Муножат Абдурасулова сингари тажрибали педагоглар сўнги изланишлар устида бош қотирмоқдалар.

Лицей директори Шуҳрат Искандаров шундай ҳикоя қилади:

— Лицейимиз иш бошлаганига беш йил бўлди. Ишнинг бошланиши осон кўчмади, албатта. Яхшики, туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам кўрсатди. Жорий йилда ҳам жиҳозлаш ва техника билан таъминлашга 3 млн. сўм пул ажратди. Шунингдек вилоят ўрта махсус касб-ҳунар бошқармаси мутахассисларининг кўмаги ҳам катта бўлди. Ана шу ҳомийликлар туфайли анчагина қаддимизни тиклаб олдик.

Биз бахтли инсонлармиз. Чунки мустақилликка эришган юртда яшаяпмиз. Ўқувчиларимизга ҳурлик ва озодлик ҳақида билим беряпмиз. Буни бир пайтлар ота-боболаримиз орзу қилган эдилар. Шукр, ана шу орзуга эришдик. Энди бўлса ўқитишнинг энг самарали усуллари ҳақида изланишлар олиб бормоқдамиз. Республикамиздаги қатор олий ўқув юртлари, мамлакатимиздаги энг донгдор фермерлар ва Японияннг Ниссё Иван корпорейшн жамоаси билан ҳамкорликлар яхши йўлга қўйилган. Малака оширишга йўналтирилган қисқа муддатли курсларда ҳам ўқиш давом этмоқда.

Ҳозирда лицей қошида футбол, волейбол, миллий кураш, бокс, каратэ, тарих, тил ва адабиёт, кимё, чорвачилик ва асаларичилик тўғараклари ишлаб турибди. Вилоятдаги 63та лицей ва коллежларнинг спорт мусобақалари стадионимизда ўтказилади. Вазни ва ёши бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган Қаҳрамон Ҳасанов сингари ўқувчиларимиз талайгина. Улар ғолиблик шоҳсупасида туриб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтардилар. Эртанги яхши ҳаётга замин бугунок яратилиши керак. Тўғри, ҳозир ўзгаришлар жадаллик билан содир бўляпти. Замон ўзгаряпти. Дунёқараш ва одамлар ўзгаряпти. Ўзгаришларнинг кетидан қувиб етиб бўлмайди. Аксинча, бу ривожланишларни бошқара билишни ҳам ўрганиш зарур. Лицей қошида янгиликларни ҳаётга тадбиқ қилувчи методик кенгаш ҳам ишлаяпти.

Ҳақиқатан, жамоанинг имкониятларини санаб, ҳисобини чиқара олмайсиз. Замонавий кутубхона ва бадиий тўгарак бор. Талабалар эса ўзларининг «Давр овози» нашрига эга. Бу ерда илмий иш олиб бораётган ижодкор ўқитувчилар ҳам талайгина. Шу кунларда лицей директори фан номзодлигига диссертацияни ёқлаш арафасида турибди.

Лицей ва коллежлар янги замон талаби билан пайдо бўлди. Бу ўқув масканларида эски билим билан ишлаш қийин. Шу боис — ўқитувчиларни малака ошириш курсларида қайта тайёрлаш зарур. Ҳозир талабалар ўқув жараёнида янги техника билан мулоқотда бўладилар. Улар билан ишлашни билмаган ўқитувчи эса ёшларга дарс ўтолмайди Айни пайтда жамоа олдида ушбу муаммоларни ҳал этиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди.

Бугунги янгиланаётган, ҳам дунёвийлик, ҳам миллийлик касб этаётган таълим тизими — мустақиллик мевасидир. Лицей ва қоллежларни Истиқлол кашф этди. Бу билим масканларида сабоқ олаётган ёшларга энди ота-боболаримиз, миллатимиз тарихи ва она-Ватан, иймон-эътиқод, урф-одатлар ва уларга меҳр-муҳаббат ҳақида ҳар томонлама чуқур билим берилади.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

«МИС» ЎҒРИЛАРИГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

Бизнинг давримизда телефон-телеграф соҳасидаги линия қурилмаларини барпо этишда мис моддасидан тобора кенг фойдаланилмоқда. Улардан ялангоч ўтказгичлар, кабеллар учун ингичка симлар ва трубкалар тайёрланмоқда. Бу симлар, трубкалар қисқа ва олис масофаларга чўзилган юзлаб, минглаб алоқа каналлари яратиш учун мураккаб электрон аппаратураларга жиплаштирилади. Инсон нутқини ташкил этувчи сон-саноқсиз сўзлар, кўпдан-кўп маълумотлар турли томонларга тўлиб-тошиб оқиб, жонли ва фаол ахборот нархларига айланади, улар ёрдамида иқтисодиёт, мудофаа, илм-фан, маданият, маиший турмуш масалалари ҳал этилади.

Сўнгги йилларда кабеллардаги ана шу симлар ўз ўрнини янада мукаммал, нурланувчи, шиша-толаларга бўшатиб бермоқда. Борган сари мис симли ўтказгичлардан иборат ҳаво линиялари кўзга кам ташланадиган бўлиб қолмоқда.

Бугун республикамизда, барибир, айни бир вақтни ўзида мис симли кабель йўллари, мис симли-трубкали қўшувчи линиялар ўта замонавий толали-оптик ўтказгичлар билан ёнма-ён фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, толали-оптик ўтказгичлар тобора кўпаймоқда, фақат ўтган икки йил ичида 3000 км.дан ошиқ шаҳарлараро халқаро ва ички ҳудудий йўналишларда ҳудди шундай линиялар вужудга келди.

Булар мамлакатнинг, халқнинг нақадар катта бойлиги! Бу қимматбаҳо қурилмалар аксар ҳолларда катта миқдордаги доллар эвазига хориждан келтирилиб, улар одамларга, халқ хўжалигига, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга хизмат қилмоқда. Энг юксак таърифларга арзийдиган бу қурилмалар бамисоли офтоб, ер, сув, иссиқлик каби жамият ҳаёти учун зарурдир. Шу сабабли, уларни ишончли муҳофазалаш ҳам катта аҳамиятга эга. Алоқа иншоотларининг даҳлсизлиги ва иш қобилиятига келтириладиган зиён-зараркунандаликнинг йўлини муросасизлик билан тўсиш керак.

Бу қурилмаларнинг ҳимояси, даҳлсизлиги ҳақида гап кетар экан, айтиш керакки, алоқа корхоналари ўз имкониятлари даражасида — бу борада иш олиб бораяпти. Алоқа линияларини буст-бутунлигига тасодифан ёки атайлаб зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида мутахассислар хилма-хил ва янада такомиллаштирилган ташкилий-техникавий воситаларни соҳага жорий этмоқдалар. Буни Тошкент вилояти «Тошкент-Телеком» акциядорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда шкафларга қулфлар ўрнатилган, назорат қудуқларининг қопқоқлари электрпайвандлаш йўли билан зичлаб беркитилган, станцияларга сигнал тизими ўрнатилган — кабелларда зарарланиш ҳодисаси юз берса, қизил лачпочкалар дарҳол ёнади, кўнгироқ ташвишли жиринглайди. Техник мутахассислардан иборат гуруҳ ўзларига бириктирилган автотранспортлар ёрдамида кечаю кундуз навбатчилик қилади. Улар алоқа линиялари бўйлаб юрадилар, ердаги ва сим ёғочдаги қурилмаларнинг сақланишини назорат қилишади, корхоналарнинг раҳбарлари мутахассис ходимларга йўл-йўриқлар бериб, барча ножоизликларни, шунингдек, алоқа қурилмалари яқинида юрган бегона кимсаларни зеҳн солиб кузатишларини, трассаларда ногаҳонда пайдо бўлиш ва зарур ҳолларда зудлик билан чоралар кўришни талаб қиладилар. Линия монтёрлари ва муҳандисларининг алоқа линиялари даҳлсизлигини таъминлаш юзасидан масъулияти кучайтирилган.

Алоқа соҳасидаги бундай нотинчликнинг кучайишига нималар сабаб бўлмоқда? Афсуски, бундай безовталикка ҳозирги кунда асослар етарли. Алоқа линияларида зараркунандаликлар, кабелларни ўғирлаш ҳоллари содир бўлмоқда. Фирибгар қароқчилар бир неча ўн метрдан тортиб узунлиги 1 км. гача келадиган кабель линиялари бўлакларини қирқиб олиб кетишмоқда. Мис симларидан иборат линияларининг ўғрилари жиноятчилик гуруҳларига бирлашмоқдалар, улар енгил яшаш йўлига ўтишиб, кундузлари ғаразли режалар тузиб, кечалари жиддий зараркунандаликка қўл урмоқдалар ва ер остидан ўтказилган канализациялардаги кабелларни, шаҳар ва қишлоқлардаги симёғоч линияларини кесиб, ўмариб кетмоқдалар. Зараркунандалик юз бераётган нуқталардан келаётган ташвишли сигналларга жавобан алоқачилар дарҳол оёққа турадилар. Бироқ улар жиноят жойига етиб бориб милицияга хабар бергунларича, вақт ўтади. Жиноятчилар ўлжаларини олиб қочишга улгурадилар. Баъзида қўлга ҳам тушмоқдалар. Масалан, Дўстобод туман марказида алоқа ходимлари бир неча тун мобайнида узлуксиз ҳушёр назорат ўрнатганликлари туфайли 6 кишидан иборат жиноятчилар тўдасини қўлга олишиб, милицияга топширдилар. Бироқ алоқа соҳасидаги зараркунандаликлар томир ёймоқда.

«Тошкент-Телеком» акциядорлик жамиятининг Янгийўл туманидаги филиалида икки йил бурун катта миқдордаги кредит ҳисобига толали-оптик кабелга ва электрон жиҳозларга таянган ажойиб рақамли алоқа тармоқи барпо этилган эди. Муттаҳам кимсалар бу линияни шафқатсизларча бузишди, кабелларни ўғирлашди. Сўнгги 5 ой ичида фақат «Гулбаҳор» қишлоғининг ўзида 13 марта ана шундай безорилик содир бўлиб ҳар хил ҳажмдаги 800 метрлик кабель ўғирланди, шу жумладан, 600 метрли қўшалоқ симли ва 3500 метрли станциялараро боғловчи линиялар ўмарилди.

Худди шундай ачинарли ҳол Дўстобод филиалида ҳам юз берди. Бу ерда 33 марта ўғирлик содир этилиб, 13400 метр ҳар хил кабеллар олиб кетилди. Жумладан, «Ўзбекистон», «Гулистон», «Кўрғончи», «Дўстлик» хўжаликларини боғловчи линиялар симлари ўғирланиши оқибатида туманнинг ярми телефон алоқасидан бебаҳра қолди.

Бекобод шаҳрида ҳам бир неча кабеллар, шу жумладан, 400 метр қўшалоқ симли ва ҳатто толали-оптик кабеллар кесиб олиб кетилди. Пискент, Оққўрғон, Чиноз, Зафар, Олмалиқ, Ангрендаги алоқа тармоғи филиаллари кўп марталаб бу борада ёрдам сўраб милицияга мурожаат қилишига тўғри келди.

«Мис симлар» ўғриларининг жиноятчилиги фақат пойтахт вилояти алоқа хўжалиги бошига тушган кулфат бўлиб қолаётгани йўқ. Кўшни Сирдарё вилоятида ҳам 3 кишидан иборат ўғрилар тўдаси алоқа корхонаси омборхонасига ўғирликка тушди, ишлаб турган линияларни кесиб кетишди, ҳатто халқаро толали-оптик магистрални бузишгача бориб етишди. Бу вилоятда умуман кишини ғазаблантирадиган даражадаги ўғирлик ҳоллари содир бўлмоқда: сурбет зараркунанда шахслар ҳатто АТС биносига кириб, унинг иш ускуналарини талаб кетишди ва узоқ муддатга унинг фаолиятини тўхтатиб қўйишди. Бошқа линиялардан ҳам ана шундай кўнгилсиз маълумотлар олиб турилибди.

Бундай жирканч жиноятчилик юртимизнинг иқтисодий, молиявий ҳаётига катта зиён келтирмоқда. Унинг жамиятга келтираётган маънавий зарари ҳам ҳеч бир мезонга тўғри келмайди.

Ва барибир, бундай қабиҳликлар юз бериши давом этмоқда. Бунинг сабаби эса ғоятда оддий ва бачкана. Давлат, умумхалқ алоқа линияларидан ўғирланаётган кабеллар «хомашё-мис» тариқасида жиноятчилар томонидан ёнқўшни давлатларга чиқарилиб, арзимас пулларга сотилмоқда. Маълумотларга қараганда, ўзимиздаги айрим металл-лом қабул қилиш пунктларида ҳам бу ўғринча маҳсулотларни енг ичида ўғрилардан олишиб, «мис-товар» тарзида ўтказилмоқда.

Алоқа линияларида юз бераётган ана шундай жиноятчиликлар алоқачиларни ташвишлантирмайди, дейсизми?! Бу жиноятларнинг ҳар бири бўйича улар милицияга, прокуратурага мурожаат қилишади, «мис ўғрилари»ни фош этиш учун кўмак сўрашади. Айрим ҳолларда уларнинг мурожаати эътиборга олиниб, самарали чора-тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида ўтказилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида бир неча жиноий гурҳларнинг кирдикорлари очилди ва уларнинг иши судга оширилиб, ўғрилик ҳоллари бўйича кескин жазо чоралари белгиланди. Судьялар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасига биноан, ўғриларни 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиб, мол-мулкларини мусодара этишлари тўғрисида ҳукм чиқармоқдалар. Шундай қилиб, нафс балосига учраган кимсалар шафқатсиз жазосини топмоқдалар.

Халқ нақлини бироз ўзгартириб айтадиган бўлсак, кабель ипига осилиб, унинг охирига етмоқчи бўлсанг, топиб борган еринг битта, яъни жазо камераси бўлиши ҳеч гап эмас. Мис узаткичларнинг «овчилари», пировардида, шундай қисматга дуч келмоқдалар. Янгийўллик А. Мирзалиев, шу тарика, 4 йилга қамалди. Қуйичирчиқ тумани суди эса Ю. Ким ва С. Уваров деган кимсаларнинг бирига 3,5 йил, иккинчисига 6 йиллик қамоқ жазосини белгилади. Сирдарё вилоятининг «Оқ олтин» тумани суди худди шундай жиноят ишини кўриб чиқиб, жиноий гуруҳ бошлиги Ю. Шокировни 10 йилга озодликдан маҳрум этди, бу муддатни у қаттиқ режимли колонияда ўтказадиган бўлди. Унинг ҳамтовоқлари З. Шоимова ва Ш. Нишоновлар ўз қилмишларига кўра 6 йил ва 5 йилга озодликдан маҳрум этилдилар.

Кўриниб турибдики, жамоатчилик мулкини талан-тарож қилувчи кимсалар қатъий жазоланмоқдалар. Шу билан бирга, ҳудди шу Тошкент вилоятида содир этилган ўнлаб кабель ўғирлиги ҳолларининг фақат айримларигина судда кўриб чиқилди, яна кўплаб ишлар юзасидан тергов олиб борилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлигини қўшма буйруғига биноан, алоқа линияларида назоратни кучайтириш бўйича жойларда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар ўз натижасини бермоқда, бироқ кабель ўғирлиги ҳоллари нисбатан камайган бўлсада, бундай жиноятчилик турига ҳали тўла хотима берилгани йўқ.

Хўш, нима қилиш керак? Алоқачиларнинг масъулиятини янада кучайтириш керакдир? Бу борада иш олиб борилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари билан ўзаро ҳамкорликни жиддий йўлга қўйиш лозимдир? Ҳа, бу жуда зарур! Жамоатчиликнинг бу соҳада ҳушёрлигини ошириш керак, албатта. Бу ҳам тўғри.

Юқорида эсланган йўналишларнинг барчасида ишнинг жиддий йўлга қўйилишини ҳозирги вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда. Жиноятчилик кодекси тўғрисида эсладик. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 майда қабул қилинган 210-сонли қарорига асосан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари» ҳам бор. Бу қоидаларни бузганлар қонун олдида албатта жавоб беради. Алоқачиларимизнинг ўзи ана шу «Қоидалар»га тез-тез нигоҳ ташлаб туришлари керак. Улар асосида ҳар бир қонунбузарлик тўғрисидаги ҳужжат саводли ва ўз вақтида тайёрланиши шарт. Бу ҳужжатлар милиция, прокуратура ходимлари ва судлар томонидан астойдил эътибор билан ўрганилиб, масалага жиддий ёндошилиши талаб қилинади. Юзлаб, минглаб ишламай турган телефонлар, қимматбаҳо алоқа каналлари, ўнлаб километр масофага ётқизилган кабелларнинг ўғирланиши ҳам алоқа корхоналарига, ҳам сизу бизга — бутун жамиятга олтин баҳосига тушаётганлигини зинҳор эсдан чиқармайлик.

А. КУДИНОВ.

ДУНЁ янги АСР бўсағасида

воқеалар • мамлакатлар • одамлар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

• КУБА пойтахти Гаванада олий даражадаги Ибероамерика IX-учрашуви якунланди. Унда деярли йигирмага яқин Лотин Америкаси, шунингдек, Испания, Португалия мамлакатлари раҳбарлари иштирок этдилар. Улар минтақада демократияни мустаҳкамлаш лозимлигини қўллаб-қувватладилар ва бир мамлакатнинг қонунларини бошқа давлатда қўллаш тартибларини кескин рад этдилар. Бунда улар қирқ йил муқаддам АҚШ томонидан Кубага нисбатан жорий этилган иқтисодий жазо чораларини ўз ичига олган Хелмс-Бертон қонунини кўздан тутдилар. Шу тарика мазкур мазмун «Гавана декларацияси»да ўз аксини топди.

• ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, Россия ва Беларусь қўшилишидан иборат иттифоқ давлат тузиш тўғрисидаги шартнома ноябрь ойининг охирларида имзоланиши мумкин. Лекин, унинг аниқ муддати эълон қилинмади.

• ТУНИСДА «Араб мамлакатлари парламентида аёлларнинг бугунги кундаги ва келажакдаги аҳамияти ҳамда ўрни» мавзуида халқаро аёллар анжумани бўлиб ўтди. Унда 13 мамлакатдан келган сиёсатчилар, олималар, ёзувчилар ва журналистлар иштирок этдилар.

• 29 НОЯБРЬ куни Малайзияда муддатидан олдин парламент сайловлари бўлиб ўтади. Мамлакат олий сайлов комиссияси ана шу хабарни тарқатди. Номзодларни рўйхатга олиш ҳафта бошида тўхтатилди.

• ПОКИСТОН ўз иттифоқчиси — Афғонистондаги «Толибон» ҳаракатига ёрдам сифатида озиқ-овқат етказиб беради. «Толибон» маъмурияти ташқи вазири ўринбосари Абдужалил Охун бошчилигидаги делагациянинг Покистонга сафари чоғида ана шундай келишувга эришилди.

• АФРИКА Бирдамлиги Ташкилотининг 17 нафар кузатувчиси Конго Демократик Республикасига келди. Улар мамлакатда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги шартноманинг бажарилишини назорат қиладилар.

• АҚШ молия вазири Лауренс Саммарс 5 ва 10 долларлик янги қоғоз пул нусхаси чиқарилганини маълум қилди. Бироқ, уларнинг қачон муомалага киритилиши ҳозирча сир тутилмоқда.

КАТТА ҚАРЗ — ТАРАҚҚИЁТ ТУШОВИ

СЎНГГИ йиллар давомида Африка қитъасидаги мамлакатлар иқтисодиётни ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Бироқ, катта миқдордаги ташқи қарзлар йил сайин ошиб бориши оқибатида тараққиёт жараёнлари ўта секин кечмоқда. 1980 йилда Африка мамлакатларининг ташқи қарзи 55 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 1990 йилда 183 миллиардга етди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 215 миллиард долларни ташкил этди. Маълум бўлишича, Африка қарзи унинг экспортидан икки баробар кўп экан. Бу ҳолат соғлиқни сақлаш, маориф ва иқтисодиётни ривожлантиришда қатор муш-кулликларни келтириб чиқарянти. Айни пайтда мазкур қийинчиликлар одамларнинг турмуш даражасига ҳам жиддий таъсир кўрсатаётир.

Яқинда Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида минтақа давлатлари раҳбарларининг Африка қарзлари масаласини ўрганиш бўйича олий даражадаги учрашувида юқоридаги фикрлар ўртага ташланди.

Учрашув кун тартибига қўйилган масала янги эмас. У узоқ йиллардан буён ривожланган давлатлар томонидан муҳокама этиб келинмоқда. Дастлаб 1970 йилларда ривожланган Ғарб давлатлари иқтисодий ожиз мамлакатлар қарзларини енгиллаштиришга тайёргарликни бошлаган эдилар. Аммо, режада кўрсатилган қўшимча шартларни, айниқса, Африка мамлакатлари бажара олмаслиги боис у амалга ошмай қолди.

Жорий йил июнь ойида Олмониянинг Кёльн шаҳрида бўлиб ўтган «катта еттилик» саммитида қашшоқ, асосан, Африка мамлакатлари учун қарзларни енгиллаштириш тўғрисида баёнот қабул қилинди.

Унга кўра Япония 9 миллиард, АҚШ 6 миллиард, Франция эса 5 миллиард долларлик қарздан кечадиган бўлдилар. Шунингдек, саммитда ушбу давлатлар бошқа ривожланган мамлакатлардан қайтарилиши қийин бўлган қарзларни жами 20 миллиард долларгача қисқартиришни сўради. Мазкур режа келаси йилдан бошлаб амалга оширилиши кутилмоқда. Аммо, имтиёз олган мамлакатлар режада кўрсатилган шартларни бажара олармиканлар?

«ГУГУШ» — ШЎХ ҚИЗ ДЕГАНИ

XX асрнинг сўнгги юлдузлари

Ўзбек мумтоз қўшиқчилиги, рақси хусусида сўз очилса дарҳол кўз олдимизга қадим Хоразм тупроғи келади. Бошқа вилоятларни камситиш хаёлимизда ҳам йўқ. Лекин, Хоразм «Лазги»сига ларзон рақс тушмаган биронта ҳамюртимиз топилмаса керак.

Ҳар бир юртнинг ўз санъат ўчоғи бўлади. Салобатли, бироз ваҳимали, савдо-сотиқ шаҳри, кўкўпар мезаналар, масжидларнинг миллий гумбазлари шаҳри, Махасти, Ором, Маржон каби қўшиқчилар шаҳри Техроннинг ҳам Лолазор кўчаси маълум маънода ана шундай ўчоқлардан ҳисобланади.

Саксонинчи йилларнинг ўрталари эди. Эрон киночилари яратган «Узоқ кеча» бадиий фильмини томоша қилаётган эдик. Хушсурат бир жувон — фильм бош қаҳрамони ёниб қуйларди:

Қоронғу тун тугамоқда,
Сени кутишга тоқатим етмас.
Висолингни бир кўрмай,
Бундан қайтишга тоқатим етмас.

Ёнимда ўтирган ҳамроҳим, бир неча йил давомида Эронда ишлаб келган журналист дўстим чуқур хўрсинди:

— Гугуш...

— Нима, нима?

— Гугуш дейман. Шарқ санъатининг энг ёруғ юлдузи, овози ҳам худди атласдек жилоланади.

Икки ярим соат давомида бахтиёр қўшиқчининг бебаҳо муҳаббати, инсоний фожиасининг ҳикояси бўлган фильмни томоша қилдик. Шундан кейин Гугуш ҳақида батафсил билиб олишга ахд қилдим.

Техрондаги Лолазор кўчасида жойлашган тунги қаҳвахоналар, кичик томошахоналар, кинотеатрлар, емакхоналар жуда кўп. Худди бизнинг Сайилгоҳга ўхшаган ниҳоятда гавжум. Шарқ осмонида порлаган санъат юлдузлари мана шу ошиёнда темир қанот бўлиб парвозга шайланадилар. Гугушнинг ҳам йўли Лолазордан бошланган. Унинг отаси Собир Оташин Эрон Озарбайжони деб аталадиган заминда туғилган эди. У тирикчилик ўтказиш, бир бурда нонни беминнат ейиш учун нене машаққатлар билан кичкина цирк жамоаси тузди. Гуруҳ бойбадавлатларга ранг-баранг томошалар кўрсатиб юрди. Гугуш мана шу томошаларда қатнашди, ўқсикликнинг барча азобини кўрди.

Қизалоқ жуда олов эди. Айниқса, у турли-туман қўшиқларни ғирғийи қилиб юрарди. На ўзи, на чакаги тинарди. Ота қани нима бўларкин, деб қизига беш-олтита қўшиқ ўргатди. Бахтли оқшомларнинг бирида Гугушнинг ҳам бахт юлдузи чарақлагандек бўлди. Кабаре-қаҳвахона эгаси Собир Оташиннинг илтимосларига йўқ деёлмай, Гугушни саҳнага олиб чикди: «Агар бахтинг чопса, шу ердаги одамларга овозинг ёқса, улуғ санъаткор бўлиш учун йўл очилади». Хўжайин яхши ният қилган экан. Гугушнинг овозаси бутун Техронга ёйилди. Энди кўнгилочар хоналарнинг хўжайинлари катта пул эвазига уни ўзларига таклиф эта бошлади. Гугуш мактаб кўрмади. Лекин ҳаётнинг ўзи бир умрга татийдиган аччиқ сабоқ берди. Бу ҳақда Гугуш хотира дафтарида ёзади: «Томоша кечқурун бошланди. Аввал тўйга бордик, сўнг Лолазордаги театрда қўшиқ айтдим. Ярим тунда яна бир қаҳвахонага бордим. Ундан иккинчисига. Қўшиқ айтаман. Қисматим шундай экан. Мен тун қизига айландим».

Етмишинчи йиллар Гугушнинг қўшиқчи сифатида жуда машҳур бўлган йиллари эди. Айниқса, «Бешик», «Ишон», «Хилватда» сингари ашулалари бутун Эронни ларзага солди. Рўзнома ва ойномалар эстрада юлдузининг суратисиз чиқмасди. Кечагина бир бурда нон учун куйлаган қизалоқ бугун Эроннинг фахри. Саҳна қироличаси! Энди унинг бир марта концерт бериши минглаб туман билан ўлчанади. Эроннинг энг яхши қўшиқчиси номини олган Гугуш еттинчи осмонда яшарди.

Не ажабки, бу омадли дилбар ўзининг шахсий ҳаётида иқбол юлдузини тополмади. «Қани эди санъат юлдузларининг ҳаётини матбуотда бўямай ёритсалар. Санъаткор гўзалликни куйласа ҳам, унинг дард-қайғуси қалбида эканлигини ҳеч ким билмайди», деб ёзган эди Гугуш хотира дафтарида.

Асл исми Фоиқа Оташин бўлган хонандага Гугуш номини Лолазорлик қўшни арман хотин Ануш хола берган эди. «Гугуш» — шўх қиз демоқчи. Ҳар бир йигит, ҳар бир қиз оила қуриши, фарзанд тарбия қилиши ҳаёт қонунидир. Гугуш бир эмас, икки бор турмуш қурди. Биринчи эри Маҳмуд Қурбониддан бир ўғил кўриб, исмини Камбис қўйди. Иккинчи эри Бехруз Восуқай билан ҳам турмуши ширин кечмади.

1971 йилда ўн тўққиз ёшида Гугуш Франциянинг Канн шаҳридаги фестивалда қатнашди. Шу йили жаҳоннинг ҳамма бурчагидан келган санъаткорлар шарқлик гўзалнинг муҳибига айланди. Унга «Канн маликаси» унвони берилди. Айни пайтда истаган вақтда Европа ва Америкаларнинг истаган шаҳрида концерт бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Ўғли Камбис Қурбоний бугун онаси каби донгдор хонанда. У аввал Техронда, Туркияда яшади. Ҳозир АҚШда.

Юлдузлар... Уарга одамлар бунчалар ўч бўлмаса. Ҳамма Гугушни менинг юлдузим, деб атайди. Эрон эстрадасининг эса, юқорида айтганимиздек, Махасти, Ором, Маржон, Хумайро каби гўзал ва чароғон юлдузлари бор. Лекин Гугушни танҳо атайдилар. Лолазор кўчасидан учирма бўлган оппоқ кабутар Эрон халқи учун яшаб, халқи учун қўшиқ айтади. Халқи уни севади. Унинг қўшиқларини севади. Халқ муҳаббатига сазовор бўлдими, бас, санъаткор сўнмас юлдузга айланади.

«Узоқ кеча» бадиий фильмини томоша қилиб шундай фикрга келгандим: Гугуш экранда ўз ҳаётини ижро этганга ўхшарди. Чунки фильм қаҳрамонининг қисмати ҳайрон қоларли даражада Гугушнинг тақдирига ўхшарди.

Унинг қўшиқлари ҳали ҳам жаранглайди. Унинг қўшиқлари ҳаммани муҳаббатни қадрлашга; инсонни севишга, энг муҳими инсон бўлиб яшашга ундайди.

Шарқ ўзининг бетакрор санъат соҳиблари билан ғурурланса арзийди. Гугуш номи уларнинг орасида алоҳида жаранглаб турипти. Шундай бўлиб қолади. Чунки Гугуш сингари соҳиби овозлар юз йилда бир марта дунёга келади.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

ТИМОРДАН КЕЙИН АЧЕХ

Индонезиянинг Шарқий Тимор ороллaридаги можаролардан сўнг Ачех вилоятидаги тўс-тўполонлар ҳукуматга катта ташвиш келтирди. Чунки, мазкур вилоят аҳолиси мустақиллик берилиши талаблари билан ғалаёнлар кўтардилар. Натижада, полициячилар ва ҳарбий қисмлар билан қуролли тўқнашувлар юзага келди. Айни кунларда ҳам бу ердаги тинч ҳаёт катта хавф остида қолмоқда. Шу боис, айирмачилар хуружи оқибатида саксонга яқин полициячи оила аъзолари билан бехавотир жойларга қочиб кетишга мажбур бўлдилар. «Компас» газетасининг ёзишича, Ачех вилоятида қуролли исёнчилар таъсири борган сари кучайиб бормоқда. Улар маҳаллий ҳокимият идораларини тарқатиб юбормоқдалар. Қаршилик килганлар эса ўлдириляпти. Маълумотларга қараганда, сўнгги вақтда жуда кўплаб фуқаро ўз ҳаёти хавфсизлигини ўйлаб, ўзга жойларга кўчиб кетди.

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ ГЎШАЛАРИДА

• ВАРШАВАДА террорчиликка қарши ҳарбий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган роботнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

• УЗОҚ изланишлардан сўнг немис олимлари уйқуда хуррак отиш соғлиққа зарар келтиради, деган хулоса чиқардилар.

• ДУНЁДА машҳур актер ва хонанда Шер «яхши ният» билан Париждаги Пьер-Лашез қабристонидан 4330 долларга «ўзига жой» сотиб олди.

• КАНАДА мутахассисларининг таъкидлашича, ҳафталик иш соатларининг узайтирилиши спитрли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишни кучайтиради ва жиддий касалликларга сабаб бўлади.

• ЖАҲОН тадқиқотчиларн болалар эътиборини компьютер ва видеоўйинларга қараганда, телевидение кўпроқ жалб қилади, деган хулосага келдилар.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХ

Акс-садо

Китоб ўқишни ким ўргатади?

КИТОБДОРНИНГ БУГУНГИ ЎЙЛАРИ

Маънавий бойлигимиз сақланувчи кутубхоналар ҳақида ўйлаганимда ҳаёлимдан буюк мутаффакир Абдураҳмон Жомийнинг «Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда»... деган доно сўзлари ўтади. 70-йилларнинг ўрталарида мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳам байрамларда, туғилган кунларда бир-биримизга китоб совға қилар эдик. Энди билсам, китоб беназир туҳфа, онг ва қалб ёғдуси экан. Баъзан ўша китобларни бир-бир варақлаб, синфдошларимни, қадрдон ўқитувчиларимизни, янги китобларни кечалари ухламасдан ўқиб чиққанларимни эслайман.

Бекорга донолар «Кутубхона — нурхона», дейишмайди. Тошкентнинг Эски шаҳарининг қоқ биқинида жойлашган Тошкент вилояти универсал «Турон» кутубхонаси қачон борманг, ҳар доим китобхонлар билан гавжум бўлади. Бу ерда Абдулла Қодирий ва Чўлпоннинг изи қолган дейишади. Ушбу кутубхонада 400 мингдан ошиқ китоб фонди бор. 1918 йилдан буёнги газета ва журналларнинг таҳламлари кўз қорачиғидек сақланади.

Газетада шу йил чоп этилган мақола баҳонасида кутубхонага бордим. Директор Вазира Собирова билан суҳбатимиз мазкур хазинахонанинг ҳозирги кундаги ишлари, ташвишлари тўғрисида бўлди.

— Вазира опа, сиз билан суҳбатларимизнинг бирида қани эди биз ҳам компьютер олсак, кутубхона компьютерлаштирилса, деган эдингиз.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳаракатда баракат деганларидек, Сорос фонди — очиқ жамият институти ўтказган танловда қатнашиб 2500 доллар ютдик ва компьютерлик бўлдик.

Барча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам замонавий кутубхоналар бўлиши, аҳолини керакли ахборотлар билан тез ва сифатли таъминлаш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаштириш, компьютерлаштириш давр талаби, ахир. Компьютерда интернетдан фойдаланиб, халқаро Амир Темур жамғармаси ходимлари, шифокорлар, филологлар, журналистларни қизиқтирган кўплаб маълумотларни оляпмиз.

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда 17 мингдан ортиқ кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларнинг кўпларининг иш фаолияти кишини ранжитади. Кутубхонада ишни яхши ташкил этиш, китобхонлар сонини кўпайтириш учун нима қилиш керак?

— Биласизми, инсон ҳеч қачон бир жойда қотиб турмайди. Ҳамма ҳар доим ўз устида ишлаши керак. Китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш лозим. Масалан, айтайлик, мен яқинда «Ўқитувчи» нашриётига мактаб дарсликлари учун ҳам пул ўтказдим. Шу ишни қилмаслик ҳам мумкин эди, лекин чуқур ўйлаб ўрганилса, зарурият бор экан. Ҳозир тан олиб айтиш керак, иқтисодий жиҳатдан қийналаётган оилалар бор. Ана шундай оилаларнинг болалари, ота-оналар «шу китобни ололмаган эдик, эртага шеър ёдлаши керак экан, зарур эди», деб келса, йўқ дейишдан ёмони йўқ. Бу ер кутубхона, 7 ёшдан 70 ёшгача китобхонларимиз бор. Кейин китобхонларни жалб қилишнинг яна бир йўли фондни янги китоблар билан бойитиб боришдир. Турли тадбирлар — китобхонлар конференцияси, янги китоб тақдимоти, машҳур ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Биз яқинда ана шундай учрашувни Саид Аҳмад билан Пскент туманида ўтказдик.

— Бир пайтлар китобсавдо деган ташкилотлар ҳам бўлгувчи эди?..

— Бўлар эди. Лекин ҳозир нашриётлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб иш олиб борган маъқулроқ. Бундан ташқари бизнинг китоб фондимиз кўплаб ёзувчи ва шоирларимизнинг бевосита ўз асарларини совға қилишлари ҳисобига ҳам бойийди. Масалан, яқинда Дадахон Ёқубов раҳбарлик қилаётган «Наврўз» ҳайрия жамғармаси 244 минг сўмлик китоб совға қилди.

— Баъзан кутубхона мутасаддиларидан «Янги китоблар олиш учун маблағ йўқ» деган сўзларни ҳам эшитиб қоламиз...

— Бундай гапларга ишонманг. Тўғри, бошида бизга пул ажратадиган ташкилот шундай деб туради, лекин вақти келиши билан, қани бўлақолинг, тезроқ китобларингизни олақолинг, деб шоширишади. Ҳар чоракда, икки миллион сўмлик китоб оляпмиз. Ахир бу оз маблағ эмас!

— Жамият тараққиёти, аҳолининг маданияти, маънавияти даражаси унинг ўқиш маданияти билан белгиланади. Одамлар қанча кўп бўлса, кўп ўқиса, билса, шунча юқори маънавият эгаси бўлади. Негадир ҳозирги кунда ёшлар ўқимай қўйишди, деган гаплар юради. Сиз шу фикрга қўшиласизми?

— Йўқ, мен бу фикрга тўлиқ қўшилмайман. Биринчидан, бизнинг кутубхонадаги китобхонларнинг саксон фоизини ёшлар ташкил этади. Иккинчидан, олийгоҳларда ўқиётган, хорижий юртларда таълим олаётган ёшларни қаранг, бир нечта хориж тилини билишади, ўз она тилларидек эркин муомала қила олишади. Биз юқори синфларда ўқиган нарсаларни улар биринчи синфдаёқ мукаммал эгаллаб олишяпти. Ҳатто айтиш мумкинки, мактабга бормасданоқ ўқиш, ёзишни билиб оладиганлар қанчалар кўп ҳозир!

— Кутубхонада китобларнинг сақланишидан, умуман ушбу «яшаб турган» биноларингиздан кўнглингиз тўладими?

— Албатта йўқ. Янги бино бўлса қани эди! Лекин нолимоқчи эмасман, борига шукр. Вилоят ҳокимлиги бино тоғ-ларини созлаш учун 6 миллион маблағ ажратди. Китобларнинг сақланиши яхши эмас, лекин бу бутунлай ёмон дегани эмас.

— Сўнгги йилларда бутун дунёда республикамизга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда, хориж олимлари Ўзбекистон ҳақида кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Ана шундай олимлардан ушбу кутубхонага келувчилар ҳам борми?

— Ҳа, албатта. Туркия, Польша, АҚШдан келган тадқиқотчилар китоблар ва газеталардан фойдаланишяпти. Улардан бири америкалик Мария Камп «Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракати» (1920-1932 йй.) деган мавзу устида изланмоқда.

— Ҳозир қандай орзулар, изланишлар билан яшамоқдасиз?

— Бу ер бир пайтлар Маҳсидўзлар кўчаси, жадидлар маркази бўлган. Қани эди кутубхона қошида «Турон» ҳаваскорлар театри фаолият кўрсатса. Ҳамма ўз ҳуқуқини яхши билмайди. Ҳуқуқий кутубхона ташкил қилиш учун изланяпман, 1991 йилдан буён чиққан ҳуқуқий китобларни йиғяпман. Бизга «Чорсу» бозори яқин. У ердаги тадбиркорлар билан суҳбатлашдим. Кутубхонага бир кун ҳуқуқшунос, бир кун аудитор келади, десам улар жуда хурсанд бўлиб кетишди. Келажакдаги энг катта орзуларимдан бири Тошкент вилояти кутубхоначилар ассоциациясини ташкил қилиш

— Бу эзгу ниятларингизни рўёбга чиқишини тилаймиз.

Суҳбатдош:
Маъпура НАБИЕВА.

МИЛЛИЙЛИККА ЭЪТИБОР КЕРАК

Мақолада замонамиз талабига жавоб берадиган долзарб мавзу ёритилган. Ўзим бадиий асарлар ўқишни яхши кўраман. Китоб мутоала қилишдан ташқари оммавий ахборот нашрларида бериладиган ижод намуналарини ҳам ўқиб бораман. Китобга бўлган қизиқиш оила муҳити таъсирида шаклланади, деган фикрга тўлиқ қўшиламан. Фарзандларим ҳам китобни севиб ўқишади. Қизим Шаҳнозахонга тез-тез турли болалар адабиётини олиб бериб тураман. Уларни мароқ билан ўқийди. Эҳтиёж ва қизиқишдан ташқари адабиётларни ўқишга мажбурлаш нотўғри, дейилган фикрни ҳам қувватлайман. Инсон ўзи хоҳламаган китобни қўлига олиб ўқишининг маъноси ҳам, фойдаси ҳам йўқ. Умуман, бу мақоладаги фикрларнинг ҳаммаси ўринли. Биз, китобхонларни фидойи нашриётчиларимиз кўпроқ қизиқарли, ўқимишли ва миллийлик ғояси билан суғорилган адабиётлар билан таъминлашса, айни муддао бўларди.

Гулнора САТТОРОВА,
тижоратчи.

Акс-садо

Яқинда 20-25 ёшлилар даврасида бўлдим. Кимдир ишлайди, кимдир ўқийди, бекорчилари ҳам бор. Турли мавзуларда гаплашишди, вақти-вақти билан мен ҳам аралашиб турдим. Сўнг уларга битта савол бердим: «китоб ўқийсизларми?». Иккитаси: «Шайтанат»нинг биринчи, иккинчи китобини ўқиганини, қолганлари умуман китоб ўқимасликларини айтишди.

ДИЛ ТЎРИДАН ЖОЙ ОЛУР

Ўйланиб қолдим. Нега ёшлар китоб ўқишмайди? Вақтлари йўқми, ё китоб йўқми? Балки қизиқиш йўқдир? Хуллас, ўзига хос тажриба ўтказишга қарор қилдим. Қаерга борсам: «Бўш вақтингизда нима қиласизлар?» деб сўрайдиган бўлдим. Аксарият жавобларда «видик (видеофильм) кўрамиз» деган гапни айтишди. Ҳафсалам пир бўлди. Балки китоб магазинларида ўқийдиган тузукроқ китоблар йўқдир, деб китоб дўконига ҳам бордим. Ўзбек романчилигига оид ҳилма-ҳил асарлар турибди. Баҳоси ҳам унчалик қиммат эмас. Яна битта иш қилдим. Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар довони» китобини қизиқмайман деган бир ёш йигитга, «ўқиб чиқинг, ёқса ўз мулоҳазаларингизни айтасиз», дедим. Орадан ўн кун ўтгач, у шундай ҳурсанд бўлиб, шунақа китобларингиздан яна борми, деб ўз таассуротларини гапира кетди.

Ана энди юқорида айтган гапларимнинг ҳаммасига якун ясамоқчиман. Биз маънавият ва маърифат ҳақида гапирар эканмиз, китоб ўқиш тарбияси билан ҳам шуғулланишимиз керак экан. Оиладами, мактабдами, ишхонадами ёшларимизга, болаларимизга китоб ўқишни тавсия қилишимиз, уларга бу йўлда тўғри йўналиш беришимиз натижасиз кетмаслигига ишондим.

Бугунги иқтисодий ўзгаришлар даврида китоб ўқишга на ҳожат деб менинг гапимга қўшилмайдиганлар ҳам топилади. Низом ака деган дўхтирни танийман. Ёшлигидан китоб ўқишга қизиқади, ғазал, шеър ёки бирон роман ҳақида сиз билан истаганча баҳслаша олади. Дунёси ўзига етарли, маънавияти ниҳоятда кучли одам. Шу одамнинг фарзандлари бир-биридан қобил ва меҳнатсевар. Уларнинг тарбиясида китобнинг роли шубҳасиз бўлган деб ўйлайман.

Албатта, ҳозир кутубхонадаги китоблар мундарижаси ҳеч кимни қониқтирмайди. Маблағ масаласи қийинлиги учун адабиётдаги янги асарлар ҳаммавақт ҳам ўз эгасига етиб бормайди. Нима қилиш керак? Назаримда бу ишларга мутасадди жаноблар ҳомийликни йўлга қўйишлари керак. Ундан ташқари шоир ва ёзувчилар билан учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш лозим. Бу ёшларни китобга бўлган қизиқишларини маълум даражада орттиради.

Китоб ўқиш ҳар бир инсонга жуда катта маънавий озуқа бериш билан бирга унинг ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Азиз газетхон, сиз китоб ўқиш ҳақидаги мулоҳазаларимни ўқидингиз, энди сизга ҳам савол бермоқчиман: «Сиз китоб ўқийсизми?».

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Ибратнома

НЕЧА МАРТА ЮВИЛАДИ?

Бир куни фаришталар зерикиб қўлларига лой олибдилар. Ундан бир қўғирчоқ ясабдилар. Қўғирчоқ тайёр бўлгач, қарасаларшунақа чиройли эканки, ўзлари ҳам маҳлиё бўлиб қолибдилар. Улар завқушавққа тўлиб, уни Тангри ҳузурига олиб борибдилар. Тангри таоло қўғирчоққа бироз қараб турибди-да, унга жон бағишлабди. Қўғирчоққа жон кириб, одамга айланибди. Унинг исмини — «Тангри бизга ато қилди», дея Ато қўйибдилар. Фаришталар Ато билан кунутун бирга ўйнашиб, зерикмас эканлар. Шу зайлда бир қанча вақтлар ўтибди. Бир куни Ато қўлини ювмоқчи бўлиб ишқалаган сари лойга ўхшаган бир нарса чиқаверибди. У эса қўлини қайта-қайта ювaверибди. Шунда фаришталар: «Эй, Ато, нега сен қўлингни бунчалик кўп ювмоқдасан?» — деб сўраган эканлар, Ато «Мен қўлимни қанчалик кўп ювган сарим аллақандай лойсимон бир нарса чиқяптики, буни ҳеч ювиб тугата олмаяпман. Шу боис қўлимни қайта-қайта ювмоқдаман», — дея жавоб берибди. Фаришталар бироз ўйланиб, ушбу жумбоқни ечмоқ учун, Тангри таоло ҳузурига борибдилар. Тангри фаришталар гапларини эшитиб: «Атонинг қўлидан чиқаётган лойсимон нарса бу «кир» бўлиб, Одам Атодан тарқагувчи инсон зотига хос бўладур. Улар ҳар вақт, ҳар сонияда мени эсга олиб, ўзларини лойдан ясаб, ҳаёт берганимни ёдлаб турмоғлари учун шундай» дея жавоб берибди. Аммо фаришталар: «Эй Яратгувчи, ёлғиз, буюк қудратли зот! Ато анча вақтдан буён сув бўйида қўл ювишдан эринмаяпти. Бунга қандай чора бўлур?» дея яна сўрабдилар. Шунда Худойим: «Атога бориб айтинглар, қўлини уч марта ювсин, ҳалол бўлгусидир ва бу авлоддан авлодга мерос бўлиб қолгусидир», дебди.

Бу жавобни эшитган фаришталар хурсанд бўлиб, Одам Ато ҳузурига келиб, Яратганнинг буйруғини етказибдилар. Бу хабарни эшитган Одам Ато хурсанд бўлиб, қўлини уч марта ювибди. Бутун вужудини қамраб олган ғашлик, таъбхиралик ўрнини бир зумда тетиклик эгаллаб, бахри дили очилиб кетибди. Шунданми ҳали-ҳали одамлар (айниқса мусулмонлар) қўлларини уч марта сув билан чайишар экан.

Қиссадан не деб, ҳисса чиқаришни билмайман. Бу ривоятга ўхшаган, ёки яқинроқ фикрни ҳеч қаерда ўқиган, эшитган ҳам эмасман. Нега қўлни уч марта ювамиз? дея, анчадан бери ўйлаб юрардим, холос. Ва Яратгандан сабр-тоқат сўраб, бу ожиз миямда неча-неча вақтлардан бери тутилган, пишиб, тайёр бўлган ушбуни ривоят деб қўйдим-да, сўзма-сўз, сатрма-сатр қоғозга туширдим. Татоларим ва шаккоклигимни Тангрим ўзи кечирсин деб, нуқта қўйдим.

Севдора ЛАТИПОВА.

Буғдойзор шовулласа,
Омборларга тўлса дон,
Кўз қувнайди, дил қувнайди,
Тўкин бўлса дастурхон.
Аҳли новвой шарафланар,
Тандирдан узилса нон.
Таъзим сенга она ер,
Таъзим, эй бобо деҳқон!
Ҳаётимиз мазмуни —
Нон бўлсин, нон,
Нон бўлсин, нон!

Даврон АҲМАД
сурат-лавҳаси.

Насрий масал

СОҒИШ, СОҒИЛИШ...

— Такавой ака, дўстингиз Қўчқорвойдан хабар олиб қўйинг, ўғли Қашқажон Шоқоллар ҳудудига яна ўтиб, яйловда ўтлаган экан, тутиб олишипти. Қашқажонни ейишмоқчи, — дебди куюниб Серкахон.

Така хушёр тортиб, соқолини силаб, ўйланиб қолибди. «Оббо, яна бир эчкидан айриладиган бўпман-да. Аввал уч марта Қашқаси шундай ишкал чиқарганда: «Қўчқорвой дўстим, мендан сенга ёрдам мана шу: бир эчки-улоқни Шоқолга олиб бор, эвазига Қашқангни озод қилишини сўра...», деган эдим. Шоқол учинчи галда иккита улоқ сўровди ўшанда. Ҳаққи-уч! Энди бермайман, бу аҳволда пода қирилиб кетади-ку. Ҳали шохи қотмаган Қашқани деб, бутун бошли пода Шоқолга ем бўладими?!»

Қўчқорнинг аҳволи танг. Бошини гурс-гурс арчаларга, қояларга чунон урибдики, чақмоқлар чақибди, қоядан қайроқ тощдек бўлаклар чатнаб, учибди.

— Такадан энди умид йўқ. Яна сўрайвериш инсофдан ҳам эмас. Қашқа укаси Тўқливойга сира ўхшамади-да. Чиранчиқ, урушқоқ чиқди. У тўйдан бу тўйга савлат тўкиб, у қуданикидан бунисиникига гердайиб борадиган тўёна Қўчқор бўлдими девдим. Во дариғ, сузонғич чиқиб қолди. Кимни кўрса калла солади-я! Онаси ёмон эркалатди-да. Майли, яна бир-икки етим кўзини Шоқолга рўпара қиламан. Ялинаман, ёлвораман. Бола ширин. Оппоққина қашқаси дўнг пешонасига бирам ярашганки... Юрганда, дикир-дикир сакраганда, думбасининг серкиллашию бўйнидаги олтин кўнғироқчанинг жарангини айтмайсизми... Шохи ниш ургунча, елкамдан опичладим — онасининг сути етмаганда, Серкахон эмизди... Бизга жуда қимматга тушдида бу қўзивой.

— Қўчқорни яна «соғадиган» бўлдим, — суюниб Шоқол. — Фарзанди эвазига менга егулик нарса олиб келади, албатта...

Шоқол Қўчқор кетидан эргашиб келаётган икки қўзини кўриб, мийиғида кулиб қўйибди.

— Қўчқорвой, пода бошисан, пўлатдан бақувват, ханжардан-да ўткир қайрилма шохларинг хурмати, кел, шу шумтака Қашқанинг бахридан ўт, бир ямлашда ютиб юборақолай. Сен ҳам тинч, биз ҳам. Шоқолни бир энлик келмайдиган шохчалари билан қитиқлаяпти-я!.. Қўзининг ўлгиси келса, биз билан ўйнашади, — дебди масхараомуз илжайиб Шоқол.

— Шоқолжон, охирги марта кечир, энди у шўхлик қилмайди. Кейин майли, не бўлса, пешонасидан кўради.

Қўчқорвой икки қўзи эвазига Қашқани олиб кетибди... Шоқол хурсанд: «Соғаман, соғаман! Қўчқор бўлсангда соғаман! Йўқ емайман болангни! Битта шум така боланг туфайли қанча қўйэчкиларни еб юбордим-а»...

Орадан бир икки ҳафта ўтгач, Шоқолнинг ўзи Қашқани гиж-гижлаб, унинг жиғига тегди. Қашқа чидай олмади, Шоқолни сузди. Яна Шоқолнинг қўлига тушди... Аммо Қўчқорвой Шоқолнинг олдига бу гал югуриб бормади. «Наҳотки, соғишим тугаган бўлса, — ўйлади Шоқол. Бир-икки кун ичида Қўчқор келмаса ейман боласини, тамом».

— Бундай қўзимнинг боридан йўғи яхши. Бахридан кечдим, — хўрсинибди Қўчқор, бошини ҳам қилиб...

Аммо кеча олармикан?!. Фарзанд ширин-ку.

Мирфозил МАРЗААҲМЕДОВ.

Ажойибот дунёси

БАЛИҚНИНГ «ОТАСИ»

Калифорния океанариумига узунлиги 4,5 метр, оғирлиги 400 килограмм келадиган қилич балиқни олиб келишганида, бу ерда яшаётган бошқа мавжудотлар қаерга яширинишларини билмай қолдилар. Балиқлар озиқлантирилаётганда қилич балиқ озуқани ўзининг улкан жағлари билан шундай иштаҳа ва қизғанчиқлик билан илиб олар ва уни бўлакларга бўлиб ташлар эдики, қолган жониворлар буни кўриб писиб қолардилар. Шундан сўнг, ғоввос Бурце Парксга қилич балиққа овқатланиш «маданияти»дан бир неча бор «дарс» беришига тўғри келди. Дарс қилич балиққа ёқиб қолди ва у ғаввоснинг озиқлантиришига ўрганди. «Энага» балиқни озиқлантирмайдиган бўлса, қилич балиқ очлик эълон қиладиган бўлди. Шундай қилиб Бурце Паркс балиқнинг ҳақиқий «отасига» айланди.

ХЕМИНГУЭЙ СОВРИНИ

Ҳар йили Гаванада қилич балиқларни овлаш бўйича Хемингуэй соврини учун мусобақалар ўтказилади. «Денгиз корридоси» деб аталадиган бу мусобақаларни Гаванада ўтказилиши бежиз эмас. Маълумки, Эрнест Хемингуэй узоқ йиллар давомида Кубада яшаб, кўп вақтини денгизда ўтказар ва Куба балиқчилари билан яқин алоқада бўлар эди. У ўзининг «Чол ва денгиз» қиссасини Куба балиқчиларига бағишлаган ва бу китоб балиқчилар тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи меҳнат мадҳиясига айланган. Хемингуэй бир умр спорт, ов билан шуғулланган, бокс, бейсбол, гольф ва бошқа мусобақаларда иштирок этган. Унинг энг асосий машғулотларидан бири балиқ овлаш бўлган. Шунинг учун ҳам Хемингуэйни, унинг балиқчилар билан дўстлигини хотирлаш мақсадида Кубада ҳар йили Хемингуэй соврини учун мусобақалар ўтказилади.

ҲУЖУМКОР

Англия газеталарининг бири 1889 йили қилич балиқларни қандай катта кучга эга эканлиги ҳақида шундай мақола эълон қилган. Норвегия кемаларидан бири Монтевидеодан чиқиб Квебекка кетаётганида кеманинг остки қисми унга келиб урилган қандайдир кучдан жароҳат олади ва тешилиб, кемага сув кира бошлайди. Текширишларда кемага урилган нарса нима эканлигини аниқлашнинг имкони бўлмайди. Кема чўкиб кетмаслиги учун, унга сизиб кираётган сувни махсус мотопомпалар орқали сўриб олиб, кема ташқарисига чиқариб туришади. Кема Квебекка эсон-омон етиб келганидан сўнг, юкни туширишдан, яхшилаб текширишдан кейин кемага тагида унга санчилиб қолган қилич балиқ «тумшуғи»нинг бир бўлаги топилган. Балиқ қиличи кеманинг металл қопламасини, 6 дюйм қалинликдаги тахтани тешиб ўтиб, кема ичига 11 дюйм кирган.

ЖОНЛИ ТОРПЕДО

Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида Англиянинг «Барбара» деб номланган танкери Атлантика океанини кесиб ўтаётган эди. Кутилмаганда, вахта назоратчисининг «Чап тарафда торпедо» деган товуши ҳаммани ваҳимага солди. Тревога эълон қилинди. Команда аъзоларининг ҳаммаси палубага чиқиб, шлюпкаларга ўтириб сузиб кетишга ҳозирлана бошладилар. Кема бошқарувчиси штурвални жон ҳолатда буриб, кема курсини ўзгартиришга ҳаракат қиларди. Узун, қора рангли кемага яқинлашиб келаётган нарса анчагина яхши кўринди. Яна бирор фурсатдан сўнг қулоқларни коматга келтирувчи портлаш содир бўлиши кутиларди. Лекин... Кема танаси унга урилган нарсадан қалқиб тушди. Кеманинг олди қисмида сув бўрони қайнаб кетди ва яқинлашган «торпедо» кемадан ажраб, четга сузиб кета бошлади.

Аниқланишича, кемага қилич балиқ ҳужум қилган экан. Бир ярим метр келадиган қилич кеманинг пўлатдан бўлган металл қопламасига худди ёғга киргандек кириб кетади. Шундан сўнг балиқ ўз қиличини суғуриб олади ва бир оз сузиб айланиб келгач, кемага қайтадан ҳужум қилиб, уни бошқа еридан жароҳатлайди. Шу дамда «Барбара» матрослари қиличи кемага кириб қолган балиққа қармоқ ташлаб, уни палубага тортиб оладилар. Унинг оғирлиги 660 килограмм, танасининг узунлиги синиб қолган қиличисиз 5 метр 28 сантиметр, кейинчалик кемадан чиқариб олинган қиличининг узунлиги эса 1 метр 54 сантиметр экан.

Хусан АҲМЕДОВ
нашрга тайёрлади.

«Ўзбек Давлат Цирки»
Республика бирлашмаси

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА БОЛАЛАР, ЕШЛАР УЧУН!

1999 йил 24 декабрдан 2000 йилнинг 9 январь кунлари — мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

«ЦИРКДА АРЧА»
ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА
«ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ»

Цирк санъатининг барча жанрлари ва ўргатилган ҳайвонлар қатнашади.

ТОМОШАЛАР:
24/XIда — соат 12.00, 14.00да;
29/XIда — соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00да;
31/XIда — соат 16.00да;
1/Іда — соат 18.00да;
2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9/Іда соат 18.00да
БОШЛАНАДИ.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. 50дан ортиқ чипталар ташкилотларга қўшимча тўловсиз етказиб берилади.
Чипталар цирк кассалари ва туман кассалари орқали сотилади.
Ҳақ тўлаш усули — сизга маъкули!
Касса соат 9.00дан очиқ.

Маълумот олиш учун телефонлар:
144-35-91, 144-41-81.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 24-28 ноябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир, тоғли ҳудудларда эса қор ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 2 даража совуқ, 3 даража илиқ, кундуз кунлари эса 9-14 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш Қўмитаси жамоаси Қўмита бош ҳисобчиси Гулбаҳор Орахбаевага акаси
Тўлқин НУРАНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48* *Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0900. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Алёна ПОРОШКИНА.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6